



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ  
THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN  
КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА




ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ  
РЕСПУБЛИКАСИ ТЎПЛАМЛАРИ  
(Берлин, Бамберг, Гамбург, Дрезден, Лейпциг, Любек, Хернхут, Штутгарт)

COLLECTIONS OF THE FEDERAL  
REPUBLIC OF GERMANY  
(Berlin, Bamberg, Hamburg, Dresden, Leipzig, Lübeck, Herrnhut, Stuttgart)

СОБРАНИЯ ФЕДЕРАТИВНОЙ  
РЕСПУБЛИКИ ГЕРМАНИЯ  
(Берлин, Бамберг, Гамбург, Дрезден, Лейпциг, Любек, Хернхут, Штутгарт)



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ  
THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN  
КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА









**ЎЗБЕКИСТОН  
МАДАНИЙ МЕРОСИ**  
**THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN**  
**КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ТУПЛАМЛАРИ**

(БЕРЛИН, БАМБЕРГ, ГАМБУРГ, ДРЕЗДЕН, ЛЕЙПЦИГ, ЛЮБЕК, ХЕРНХУТ, ШТУТГАРТ)

**COLLECTIONS OF THE FEDERAL  
REPUBLIC OF GERMANY**

(BERLIN, BAMBERG, HAMBURG, DRESDEN, LEIPZIG, LÜBECK, HERRNHUT, STUTTGART)

**СОБРАНИЯ ФЕДЕРАТИВНОЙ  
РЕСПУБЛИКИ ГЕРМАНИЯ**

(БЕРЛИН, БАМБЕРГ, ГАМБУРГ, ДРЕЗДЕН, ЛЕЙПЦИГ, ЛЮБЕК, ХЕРНХУТ, ШТУТГАРТ)

**XI**

---



«SILK ROAD MEDIA» • «EAST STAR MEDIA»

TOSHKENT • 2020



«Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» туркумига кирувчи «Германия Федератив Республикаси тўпламлари» китоб-альбомидан Берлин давлат кутубхонаси, Берлин Ислом санъати музейи, Берлин Этнология музейи, Штутгарт шаҳридаги Линден номидаги музей, Гамбург Санъат ва ҳунармандчилик музейи, Саксония Давлат Этнография коллекцияси, Любек шаҳридаги этнология коллекцияси, Фахрий сенатор М. Бумиллер коллекциясида сақланган мамлакатимиз санъати ёдгорликлари ўрин олган. Улар ўрта асрлардаги ислом санъати дурдоналари, ўзбек хонликлари даври, XX аср усталари ясаган буюмлардан иборат.

Ушбу нашр нафақат олим ва тадқиқотчилар, балки Ўзбекистоннинг бой маданий меросига қизиқувчи барча маҳаллий ва хорижий ўқувчилар, ёш авлод вақиллари учун мўлжалланган. Жаҳонда ўхшаши йўқ ушбу Лойиха мустақиллик йилларида яратилган шарт-шароитлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек халқининг маданий, тарихий ва интеллектуал меросини асраб-авайлаш, бойитиш ҳамда янада қўлланганини масалаларига бўлган шахсан эътибори туфйли амалга оширилмоқда.

Китоб-альбомда дастур сифатида видео-диск, шунингдек 3D-форматида қўшимча визуал маълумотларни олиш учун планшет ёки смартфон ёрдамида сканерлаш учун махсус ёрликлар мавжуд.

«Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» туркуми Ўзбекистоннинг ноёб тарихий-маданий меросининг бошқа намуналарига бағишланган китоб-альбомларни чоп этишни ҳам назарда тутди.

The volume "Collections of the Federal Republic of Germany" from the series "The Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections" presents art treasures of our country held in the Berlin State Library, the Museum of Islamic Art in Berlin, the Ethnological Museum of Berlin, the Linden-Museum in Stuttgart, the Museum of Arts and Crafts in Hamburg, the Saxonian State Collections of Ethnography, the Ethnological Collection of the Hanseatic City of Lübeck, and the collection of Senator (Hon.) Manfred Bumiller. These are masterpieces of the medieval Islamic era, the post-medieval period of the Uzbek khanates, and Uzbek master craftsmen of the 20<sup>th</sup> century.

The publication is intended not only for members of the academic research community, but also for broad domestic and foreign audiences, and members of the younger generation who are interested in the rich cultural heritage of Uzbekistan. The project, which has no analogue in the world, has proceeded thanks to the personal attention of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the issues of carefully preserving, enriching and augmenting the historical, cultural and intellectual legacy of the Uzbek people.

The book-album has a video disc as an application, as well as special tags for scanning with a tablet or smartphone to receive additional visual information in 3D format.

Further books are planned in the multi-volume series "The Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections" dedicated to unique examples of the historical and cultural legacy of Uzbekistan.

Основу книги-альбома «Собрания Федеративной Республики Германия» из серии «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира» составляют памятники искусства нашей страны, хранящиеся в Берлинской государственной библиотеке, Берлинском музее исламского искусства, Этнологическом музее Берлина, Музее имени Линдена в Штутгарте, Гамбургском музее искусств и ремесел, Государственных этнографических коллекциях Саксонии, Этнологической коллекции ганзейского города Любека, коллекции почетного сенатора М. Бумиллера. Это шедевры исламского Средневековья, периода позднесредневековых узбекских ханств, изделия узбекских мастеров XX в.

Издание рассчитано не только на представителей научно-исследовательских кругов, но и на широкую отечественную и зарубежную аудиторию, молодое поколение, интересующееся богатым культурным наследием Узбекистана. Следует особо подчеркнуть, что этот Проект, аналогов которому нет в мире, осуществляется благодаря личному вниманию Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева к вопросам бережного сохранения, обогащения и приумножения исторического, культурного и интеллектуального наследия узбекского народа.

Книга-альбом имеет в качестве приложения диск с видеофильмом, а также специальные метки для сканирования планшетом или смартфоном для получения дополнительной визуальной информации в 3D-формате.

Многотомная серия «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира» предусматривает публикацию и других книг-альбомов, посвященных уникальным образцам историко-культурного наследия Узбекистана.

© «Zamon Press info» nashriyot uyi МЧЖ, Тошкент, 2020.

© «Silk Road Media», «East Star Media» МЧЖ, Тошкент, 2020.

© «Darakchi inform servis» МЧЖ, Тошкент, 2020.

© Берлин давлат кутубхонаси, Берлин ислом санъати музейи, Берлин этнология музейи, Штутгартдаги Линден номидаги музей, Гамбург санъат ва ҳунар музейи, Саксония давлат этнография тўплами, Любек шаҳри Ганза этнология тўплами, Фахрий сенатор М. Бумиллер тўплами, 2020.

© Ф.Ф. Абдухоликов, Э.В. Ртвеладзе, Н. фон Ахенбах, Ж. Бумиллер, Ж. Илёсов, К. Раух, А. Миерсултан, Г. Хельмеке, И. Пфлюгер-Шиндлбек, А. Кремер, М. Андо, С. Янсен, Х. Шукельт, Б. Темплин, 2020.



ISBN 978-9943-4866-2-1



## ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ – ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон халқининг бениҳоя бой ва ранг-баранг маданияти неча минг йиллар давомида ёрқин тарихий воқеалар силсиласида, ўлкамизнинг бетакрор табиати ва турли маданиятларнинг бир-бирига илҳомбахш таъсири натижасида шаклланиб, раванқ топиб келмоқда.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бугунги Ўзбекистон ҳудудида турли даврларда ўзига хос цивилизациялар вужудга келган. Ушбу ўлка фан ва маданият маркази сифатида бутун дунёга донг таратган, бу ерда хайратомуз гузалликка эга шаҳарлар барпо этилган, буюк шоирлар ва алломалар яшаб ижод қилган. Буюк илмий кашфиётлар, адабиёт ва санъат, халқ оғзаки ижодининг ўлмас обидалари шу масканда яратилган. Бу ноёб миллий, тарихий-маданий мерос, ҳақли равишда бутун инсоният хазинаси бўлиб, айни пайтда халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасидан далолат беради.

Ана шу масканга мансуб археологик топилмалар, ноёб қўлёзмалар, нафис миниатюралар, халқ хунармандчилигининг ижод намуналари нафақат Ўзбекистон, балки бошқа мамлакатларнинг ҳам музей фондларида сақланмоқда.

Мен мамнуният билан эътиборингизга ҳавола этаётган «Германия Федератив Республикаси тўпламлари» китоб-альбоми Германия музейлари ва шахсий коллекцияларида сақланаётган мана шундай дурдоналар ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистонда нашр қилинган, икки мамлакатнинг



санъатшунос олимлари ва тарихчилари, фоторассомлари ва журналистларининг машаққатли меҳнати эвазига дунёга келган бу ажойиб китоб халқларимизнинг ўзаро ҳурмат-эҳтироми, мустаҳкам дўстлиги, бир-бирининг тарихи ва маданиятига бўлган самимий қизиқишининг амалий ифодасидир.

Нафис безаклар билан сайқалланган мазкур нашр Германия давлат кутубхонасида, Берлиндаги Ислон санъати ва этнология музейларида, Штутгарт, Гамбург, Лейпциг, Дрезден, Хернхут ва Любек музейларида, Манфред Бумиллер шахсий коллекциясида авайлаб сақланаётган серкирра маданий меросимизнинг бир қисми ҳақида, шунингдек, ўзбек халқининг меъморчилиги ва санъати, адабиёти, бадий хунармандчилик анъаналарининг ривожланиш тарихи ҳақида ҳар томонлама маълумот беради.

Ушбу фундаментал асар халқимизнинг маданияти ва менталитети, дунёқараши ва маънавиятининг мустаҳкам асоси бўлган унинг миллий маданий мероси тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришга хизмат қилади.

Мен Ўзбекистоннинг шарафли ўтмиши ва бетакрор маданиятининг янги қирраларини жаҳонга намоён этувчи бу бебаҳо экспонатларни кўз қорачиғидай асраб, уларни илмий жиҳатдан ўрганиб келаётган германиялик олимларга самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Ўйлайманки, китоб-альбом нафақат тарихчи ва шарқшунослар, аввало ёшлар, қадим Шарқ цивилизациясининг бешиклари, ўзбек давлатчилиги тарихи билан қизиқадиган барча кишилар учун фойдадан холи бўлмайди.

Ушбу китоб-альбом ўз кўламига кўра беқиёс бўлган халқаро лойиҳа доирасида тайёрланаётган «Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида» туркумининг бир қисми ҳисобланади.

Шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, бундай илмий-маърифий лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистонда икки мамлакат ўртасидаги муносабат-



ларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда давлатларимиз ўртасида конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилган, иқтисодий ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзаро муносабатларда маданий-гуманитар алоқалар алоҳида ўрин тутди. Бундан 25 йил муқаддам Германия ва Ўзбекистон ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланган эди. Немис ва ўзбек диёрида ўтказилаётган тадбирларда икки мамлакатнинг ижодий жамоалари, маданият ва санъат арбоблари фаол иштирок этмоқда. Жумладан, германиялик санъаткорлар қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Жорий йилда улар Ўзбекистонда илк бор ўтказилган Халқаро мақом санъати анжуманида ҳам муносиб иштирок этишди.

Мамлакатимизда немис шоир ва ёзувчиларининг асарларига ҳар доим қизиқиш катта бўлиб келган. 1913 йилдаёқ машҳур «Ойина» журналида ўзбек тилида немис халқ эртаклари, Иоганн Вольфганг Гёте, Генрих Гейне сингари буюк немис шоирларининг асарлари чоп этилган эди. Бугун республикаимизда Фридрих Шиллер, Эрих Мария Ремарк, Герман Гессе, Стефан Цвейг, Эрих Кестнер, Генрих Манн, ака-ука Гриммлар сингари буюк сўз усталарининг асарлари ўзбек тилига ўгирилиб, қайта-қайта нашр этилмоқда.

Маданият соҳасидаги ҳамкорлик серқирра, унинг салоҳияти чексиз. Ишончим комилки, эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китоб-альбом давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни, маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

*Шавкат Мирзиёев,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

---

## REVEALING NEW FACETS OF UZBEKISTAN'S CULTURE TO THE WORLD

The people of Uzbekistan's rich and multifaceted culture was formed over the course of millennia against a backdrop of stirring historical events, produced by the mutual enrichment of a variety of cultures and the influence of our land's unique natural environment.

At various points in history the territory of modern Uzbekistan, situated at the crossroads of the Great Silk Route, was the site of unique civilizations and cities with amazingly beautiful architecture that were famous throughout the world as centers of science and culture. Great scholars and poets lived and worked here, scientific discoveries were made and immortal works of fine art, literature and folk art were created. This historical and cultural national heritage is the rightful property of all humankind, being our people's invaluable contribution to the development of world civilization.

Archeological artifacts, rare manuscripts, exquisite miniatures and the skillful products of folk artisans are held today in museum collections not only in Uzbekistan but in other countries as well.

Many of these masterpieces, found in museums and private collections in the Federal Republic of Germany, are described in the book "Collections of the Federal Republic of Germany", which I am pleased to bring to your attention.

This wonderful book, published in Uzbekistan, is the result of shared hard work by art scholars, historians, photo artists and journalists from both countries. It is a



shining embodiment of the mutual respect, friendship and interest that our two peoples feel for one another's history and culture.

Beautifully illustrated, the book presents readers with that portion of our diverse cultural heritage which currently is carefully preserved in the State Library, the Museum of Islamic Art and the Ethnological Museum of Berlin, museums in Stuttgart, Hamburg, Leipzig, Dresden, Herrnhut and Lübeck, and the private collection of Manfred Bumiller. Furthermore, it introduces readers to the development of the architecture, art, literature, handicrafts and traditions of the Uzbek people.

This thoroughgoing study helps form a more complete picture of the national cultural heritage of our people, which laid the foundation for the development of their culture and mentality, worldview and spiritual outlook.

I am deeply grateful to Germany's scholars who meticulously preserve and study these priceless objects, revealing new facets of Uzbekistan's glorious history and unique culture to the world.

I believe the book will be interesting and useful not only to historians and art scholars, but first and foremost to young people and all those seeking to understand the sources of ancient Eastern civilization and Uzbek statehood.

This book is one of a series of publications entitled "The Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections", produced as part of an international project of unprecedented scope.

I am pleased to note that research and educational projects of this type have become one of the most important areas of cooperation between Uzbekistan and Germany.

Great importance is attached in Uzbekistan to strengthening and developing relations between our countries. A constructive political dialogue has been established while economic cooperation is expanding.

Cultural and humanitarian ties occupy a special place

in bilateral relations. Twenty-five years ago, an inter-governmental agreement on cultural cooperation was signed. Creative teams and figures from the fields of art and culture in both countries are actively involved in events that take place in Germany and Uzbekistan. For example, German musicians are regular participants in the "*Sharq Taronalari*" International Music Festival staged in the ancient, beautiful city of Samarkand. This year they also represented their country at the International Forum of the Art of Maqom which was held for the first time in Uzbekistan.

The works of German writers and poets traditionally enjoy great popularity in our country. German folk tales and the works of great poets such as Johann Wolfgang von Goethe and Heinrich Heine were published in Uzbek in the famous magazine *Oyna* ("Mirror") as early as 1913. In Uzbekistan today the books of Friedrich Schiller, Erich Maria Remarque, Hermann Hesse, Stefan Zweig, Erich Kästner, Heinrich Mann, the Brothers Grimm and other masters of artistic expression are translated into Uzbek and widely published.

Cooperation in the field of culture is multifaceted, and its potential is limitless. I am convinced that the book being presented for your consideration will help strengthen relations between our countries, advance a dialogue of cultures, and lead to closer connections between our countries and peoples.

*Shavkat Mirziyoyev,*  
*President of the Republic of Uzbekistan*



---

## ОТКРЫВАЯ МИРУ НОВЫЕ ГРАНИ КУЛЬТУРЫ УЗБЕКИСТАНА

Богатейшая и многогранная культура народа Узбекистана формировалась на протяжении тысячелетий на фоне ярких исторических событий, благодаря взаимообогащению разных культур, влиянию неповторимой природы нашего края.

На территории современного Узбекистана, расположенной на перекрестке дорог Великого шелкового пути, в разные времена существовали уникальные цивилизации, возводились города с удивительной по красоте архитектурой, известные во всем мире как центры науки и культуры. Здесь жили и творили великие ученые, поэты, совершались научные открытия, создавались бессмертные произведения литературы и искусства, народного творчества. Это национальное историко-культурное наследие по праву является достоянием всего человечества, бесценным вкладом нашего народа в развитие мировой цивилизации.

Археологические артефакты, редчайшие рукописи, утонченные миниатюры, искусные изделия народных мастеров сегодня хранятся в музейных фондах не только Узбекистана, но и других стран.

О многих этих шедеврах, находящихся в музеях и частных коллекциях Федеративной Республики Германия, рассказывает книга-альбом «Собрания Федеративной Республики Германия», которую я рад представить вашему вниманию.

Эта замечательная книга, изданная в Узбекистане и

ставшая результатом совместного кропотливого труда ученых-искусствоведов, историков, фотохудожников и журналистов двух стран, является ярким воплощением взаимного уважения, дружбы и обоюдного интереса наших народов к истории и культуре друг друга.

Прекрасно иллюстрированное издание знакомит читателей с той частью нашего многогранного культурного наследия, которое в настоящее время бережно хранится в Государственной библиотеке, Музее исламского искусства и Этнологическом музее Берлина, музеях Штутгарта, Гамбурга, Лейпцига, Дрездена, Хернхута, Любека, частной коллекции Манфреда Бумиллера, а также с историей развития архитектуры, искусства, литературы, художественных ремесел, традициями узбекского народа.

Этот фундаментальный труд помогает сформировать более полное представление о национальном культурном наследии нашего народа, на основе которого развивались его культура и менталитет, мировоззрение и духовность.

Я искренне благодарен ученым Германии, которые тщательно сохраняют и изучают эти бесценные экспонаты, открывая миру новые грани славной истории и неповторимой культуры Узбекистана.

Думаю, книга-альбом будет интересна и полезна не только историкам и искусствоведам, но прежде всего молодежи, всем, кто стремится к познанию истоков древней цивилизации Востока, узбекской государственности.

Данная книга-альбом является частью серии изданий «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира», выпускаемой в рамках беспрецедентного по масштабам международного проекта.

С удовлетворением хочу отметить, что реализация подобных научно-просветительских проектов стала одним из важных направлений сотрудничества Узбекистана и Германии.

В Узбекистане придают большое значение укреплению и развитию отношений между нашими странами. Нала-



жен конструктивный политический диалог, расширяется экономическое сотрудничество.

Особое место в двусторонних отношениях занимают культурно-гуманитарные связи. 25 лет назад было подписано межправительственное соглашение о культурном сотрудничестве. Творческие коллективы, деятели культуры и искусства обеих стран принимают активное участие в мероприятиях, проводимых в Германии и Узбекистане. К примеру, музыканты ФРГ – постоянные участники Международного музыкального фестиваля «Шарк тароналари», проводимого в древнем и прекрасном городе Самарканде. В этом году они представили свою страну и на Международном форуме искусства макома, который впервые прошел в Узбекистане.

Традиционно большим интересом и популярностью в нашей стране пользуются произведения немецких писателей и поэтов. Еще в 1913 году в известном журнале «Ойна» («Зеркало») публиковались немецкие народные сказки на узбекском языке, произведения таких великих немецких поэтов, как Иоганн Вольфганг Гёте и Генрих Гейне. Сегодня в республике переводятся на узбекский язык и широко издаются книги Фридриха Шиллера, Эриха Марии Ремарка, Германа Гессе, Стефана Цвейга, Эриха Кестнера, Генриха Манна, братьев Гримм и других мастеров художественного слова.

Сотрудничество в сфере культуры многогранно, и его потенциал безграничен. Убежден, что предлагаемая вашему вниманию книга-альбом будет способствовать укреплению отношений между нашими государствами, диалогу культур, дальнейшему сближению наших стран и народов.

*Шавкат Мирзиёев,*  
*Президент Республики Узбекистан*









СЌЗБОШИ

FOREWORD

ПРЕДИСЛОВИЕ

---

## СУЗБОШИ

*Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон – дунё тамаддуни тарихида ёрқин из қолдирган буюк давлатлар вориси. Асрлар давомида унинг заминида ажойиб меъморчилик, санъат ва адабиётга оид асарлар яратилган бўлиб, ханузгача бутун дунё бўйлаб Ўзбекистон халқлари маданияти ихлосмандларини хайратга солиб келмоқда. Ушбу меросни объектив ва ҳар томонлама ўрганиш нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳоннинг муҳим вазифаси ҳисобланади, негаки мамлакатимиз маданияти бутун инсониятнинг бойлигидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, бу соҳада қўплаб ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, мамлакатимиз ривожланишининг янги босқичида маданий тараққиёт ва меросимизни сақлаш борасидаги улкан муаммоларни ҳал қилишда янги стратегиялар очилди. Мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев ўзбек халқининг тарихий, маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, бойитиш ва янада қўллайтириш, ёш авлодни умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида тарбиялаш масалаларини давлат сиёсати даражасига қўтарди. Мамлакатда хорижда сақланаётган Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, келгусида қўлғизма бойликларни сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш тизимини такомиллаштириш, моддий ва маданий мерос объектларини сақлаш соҳаси фаолиятини такомиллаштириш каби жуда муҳим ташаббуслар амалга оширилмоқда. Доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан республикамизнинг ноёб маданияти, халқимизнинг тикланаётган гузал ва пурҳикмат анъаналарини намоёниш этадиган тадбирлар ўтказилмоқда. Улар орасида Халқаро халқ амалий санъати фестивали (Қўқон), Халқаро бахшичилик санъати фестивали (Термиз) ва Халқаро мақом санъати фестивалини (Шаҳрисабз) мисол келтириш мумкин. Янги ташаббусларнинг амалга оширилиши туфайли кейинги уч йил ичида маданий ҳаётнинг қўплаб соҳаларида, шунингдек, жамиятда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилди.



Халқаро мақом санъати анжумани.  
Шахрисабз ш.

The Maqom Art International Forum,  
Shahrisabz.

Международный форум искусства  
макома, г. Шахрисабз.



Халқаро бахшичилик санъати фестивали. Термиз ш.  
The International Bakhshi Arts Festival in Termez.  
Международный фестиваль искусства бахши, г. Термез.



Халқаро хунармандчилик фестивали, Қўқон ш.  
The International Handicrafters Festival in Kokand.  
Международный фестиваль народно-прикладного искусства,  
г. Коканд.

#### ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле:

«Мерос – бу бизнинг авлодларимиз ва жамиятимиз ўртасидаги боғлиқлик. Бу келажак авлодларга етказилиши бутун дунё билан бўлишиш керак бўлган нарсадир. Бу умуминсоний мерос бўлиб, биз қон-қонимизда буни ҳис қиламиз, шунинг учун биз ушбу меросни асраб-авайлашда барча сазъ-ҳаракатларни амалга оширишимиз керак. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсоният учун муҳимдир».

Бугун мамлакатимиз жаҳонга юз тутмоқда. Бу сиёсат – қўшни давлатлар билан муносабатларда, сайёҳлик соҳаси ва гуманитар соҳаларда кўзга ташланади. Жамият ҳаётининг ҳар томонлама янгилалиши фуқаролик жамиятини фаоллашувига олиб келади, бу эса миллий уйғониш, ўз тарихи ва маданиятини англашдан бошланади.

Ушбу икки муҳим омил – халқаро майдонда очиклик сиёсати ва ижтимоий фаол кучларнинг вужудга келиши мамлакатимиз ҳаётида янги, ажойиб воқелик – «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» мультимедиа лойиҳасининг пайдо бўлишига олиб келди. Жамоат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, ижтимоий аҳамиятли тадбиркорлик унинг ташаббускорлари бўлдилар.

Лойиҳа асоси ушбу қадимий ўлкада яратилган, аммо баъзи бир ҳолатлар сабаб ҳозирда чет элда – Россия давлати ва Европа мамлакатлари ва Осиё, Америка, Африкадаги турли музейлар ва шахсий тўпламларда сак-



ланаётган Ўзбекистон маданий мерос дурдоналарини каталоглаштириш ва билишга йўналтирилган. Булар археологик артефактлар, ноёб миниатюраларга эга нодир қўлёзмалар, турли хил амалий санъат буюмларидир. Бу каби вазифаларни ҳали дунёнинг бирон бир мамлакати ўз олдига қўймаган. Инчунин, маданий мерос ҳақида тўлиқ маълумот йиғиш унинг чинакам аҳамиятини баҳолаш имконини беради.

Лойиҳа бутун дунё бўйлаб кенг халқаро илмий алоқаларни ўрнатишни назарда тутди. Унинг фаол ютуқлари хорижда тобора тан олинмоқда. Олдимизда энг йирик музей ва кутубхоналар, шахсий коллекциялар эшиклари очилмоқда. Ҳар бир янги қадам билан биз билим йўлида олға одимлаймиз.

Тўпланган материаллар китоб-альбом шаклида нашр этилади. Уларнинг ҳар бири маълум бир хорижий тўпلامда ёки бирор бир мамлакат тўпلامларидаги Ўзбекистон моддий ва маънавий меросига бағишланган. Нашрлардан жаҳон микёсида тан олинган дурдона асарлар, шунингдек, кенг жамоатчилик ва мутахассисларга унчалик маълум бўлмаган ёки умулман номаълум намуналар ўрин олган. Матн уч тилда – ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилган бўлиб, имкон қадар кенг китобхоналар аудиториясини қамраб олишни мақсад қилинган.

«Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпلامларида» Лойиҳаси мультимедиа эканлигини ҳисобга олиб, нашр этилган китоб-альбомлар матнига

**Давлат Эрмидажи  
бош директори Михаил  
Пиотровский (Россия):**

«Қадимги тарих ва маданият – ҳозирги дунёда хотиранинг бир тўлкинидир. Ушбу Лойиҳа фуқароларнинг ташаббускорлиги, натижарат ва маданий муассасаларнинг ёрқин комбинациясини топа билди. Бу маданий концепцияга оид ёдгорликлар қандай йиғилгани, қандай чоп этилгани, одамлар бутун дунёда мавжуд бўлган маданий меросга қай даражада ғамхўрлик қилаётганига ёрқин бир мисолдир».

**Профессор Сайид  
Абдулҳаким Жузжони  
(Швеция):**

«Мен ўзимнинг ўзбек илдизларим ва аждодларим билан доимо фахрланаман. Мен Швецияда яшайман, лекин ҳар доим ҳаёлан Ўзбекистондаман. Президент Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман, чунки унинг бевосита раҳбарлигида мамлакатда маданий меросни асраб-авайлаш ва оммалаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бутунжаҳон жамияти аъзоси сифатида мен бошқараётган халқаро Бобур номидаги фонди орқали Ўзбекистон маданияти ва илм-фанини улуғлаш имконига эга бўлганимдан хурсандман».



*«Ўзбекистоннинг маданий  
мероси дунё тўпلامларида»  
китоб-альбомлар серияси.*

*Book-albums of the series  
“Cultural heritage of Uzbekistan  
in the collections of the world”.*

*Книги-альбомы серии «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира».*



«Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» нашр лойиҳаси ва Ўзбекистоннинг нодир қўлёзмалари факсимиле нусхалари.



Publishing project "Architectural epigraphy of Uzbekistan" and facsimile copies of outstanding manuscript monuments of Uzbekistan.

Издательский проект «Архитектурная эпиграфика Узбекистана» и факсимильные копии выдающихся рукописных памятников Узбекистана.

қўшимча равишда махсус тайёрланган видеофильм дисклари илова қилинган. Лойиҳанинг суратга олиш гуруҳи тўпламлари китоб саҳифаларида акс этган мамлакатлар ва музейларда фильмлар устида иш олиб бормоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ноширлик амалиётида биринчи марта китоб-альбомларда китобхонга тўплам ёки маълум бир мавзу ҳақида қўшимча визуал маълумотларни олиш имконини берадиган кенгайтирилган воқелик услубидан фойдаланилди. Планшет ёки смартфон ёрдамида махсус белгиларни сканерлаш орқали экранда объектнинг 3D-форматидаги модели, шунингдек, тегишли видео пайдо бўлади. Бундай янгиликлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг кенг доирасини илмий-оммабоп адабиётларга жалб қилиш имконини беради.

Лойиҳа нашр-ахборот фаолияти билан чекланиб қолмайди. Бугунги кунда у ўз ишидаги ёндашувлар уйғунлигини акс эттирувчи бир нечта янги йўналишларни бирлаштиради. Кенг қўламли нашриёт дастуридан ташқари, фильмлар ва телевизион дастурларни яратиш, халқаро конгресслар, медиа тадбирлар ўтказилмоқда, янги гоялар ва йўналишлар ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» серияси аллақачон халқаро миқёсда тан олинган, ҳозирда эса «Ўзбекистон фан ва маданияти олимлар асарларида» нашр сериясини чоп этиш режалаштирилган бўлиб, илгари яратилган, аммо илм-фан учун жуда катта қизиқиш касб этган, ҳозиргача ноёб ҳисобланган монографияларни қайта нашр этилишини кўзда тутди. Шунингдек, «Ўзбекистон археологик ёдгорликлари картографияси», «Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари картографияси», «Ўзбекистон маҳаллалари» лойиҳаларини ҳам алоҳида

**Марказий Осиё ва Кавказ  
Институти асосчиси ва  
раиси Фредерик Старр  
(АҚШ):**

«Барчамиз ўз тарихимиз ҳақида тасаввурга эга бўлиш қанчалик муҳимлигини тушунишимиз керак. Агар одамлар ўз ўтмишларини билишмаса, бу ҳаётнинг юзаки эканлигини, вақт ўтиши билан ота-боболарнинг жуда катта аҳамиятга молик улкан ютуқлари йўқолишини англайди. Ўзбекистон Президенти ўз мамлакатини маданиятини асраб-авайлаш ва янада оммалаштиришга катта эътибор қаратаётганидан жуда хурсандман. Бундан қўпчилик ўрнак олиши керак».





таъкидлаш жоиз. «Ўзбекистон ёзма ёдгорликларининг 100 дурдонаси» йўналиши доирасида тадқиқотчиларга осон бўлиши учун илмий ва бадий нуктаи назардан жуда қадрли қўлёзмаларнинг факсимиллари нашр этилмоқда.

Умуман олганда, «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» лойиҳасини Янги Ўзбекистоннинг ташриф қоғози деб аташ мумкин. Бу фуқаролик жамияти, жамоат, давлат ва халқаро ташкилотлар, ижтимоий аҳамиятли тадбиркорлик, оммавий ахборот воситалари ва дунёнинг турли мамлакатларидаги олимларнинг саъй-ҳаракатлари бирлашуви маърифат ва таълим соҳаларида мисли қўрилмаган натижаларга эришишига ёрқин мисолдир. Унинг фаолияти ўз ғояси ва қўламига қўра нафакат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида ҳам ноёбдир. Халқаро экспертларнинг таъкидлашига қўра, Ўзбекистоннинг бундай кенг қўламли каталоглаштириш ва маданий меросни оммалаштириш борасидаги тажрибаси дунёнинг бошқа давлатлари учун намунадир.

Дунё илмий ҳамжамиятининг қўмағисиз ишимиз давомида олға ҳаракатлана олмасдик. Фаолияти мамлакатимиз билан боғлиқ бўлган етакчи тадқиқотчилар, музей ходимлари ва коллекционерлар бизнинг ҳамкорликка бўлган мурожаатларимизга хайрихоҳлик қўрсатдилар. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишга жалб қилинган дунёнинг 300 дан ортиқ зукко олимлари – шарқшунослар, санъат тарихчилари, этнографлар, турли мамлакатларнинг музей мутахассисларини бирлаштирган тармоқ яратилди. Кучларнинг бундай уйғунлиги бизга тажриба ва фикр алмашиш, маданиятлараро ва давлатлараро мулоқотни кучайтиришга имкон яратди.

2017 йил май ойида Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтган «Ўзбекистоннинг маданий мероси – халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» I халқаро илмий-маданий конгрессида илк марта Ўзбекистон маданий

*«Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» I Халқаро илмий-маданий конгресси қатнашчилари. Самарқанд ш., 2017 й.*

*Participants of the First International Scientific and Cultural Congress "Cultural Heritage of Uzbekistan – the Path to Dialogue between Peoples and Countries", Samarkand, 2017.*

*Участники Первого международного научно-культурного конгресса «Культурное наследие Узбекистана – путь к диалогу между народами и странами», г. Самарканд, 2017 г.*

**«Al-Furqan» Ислом мероси жамғармаси ижрочи директори Сали Шахсавари (Буюк Британия):**

«Мен бир неча бор Ўзбекистонга ташриф буюрганман ва шахсан Президентнинг ўзбек маданиятини сақлаш ва оммалаштиришдаги муҳим ролига гувоҳ бўлганман. Мен ишонаманки, бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган энг муҳим лойиҳалардан биридир. Одамлар бу ҳодисани «Ўзбек маданияти» ва «Ўзбек мероси» дея таърифлайдилар, бу айтиш ҳақиқат, у дунё цивилизацияси ва дунё маданиятининг жуда муҳим қисмидир. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, сиз дунё тарихи ва дунё маданиятининг муҳим қисмини қайта тикламоқдасиз».



*II Халқаро конгресс қатнашчилари Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, асраш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти туғрисидаги резолюция ва Низомни ўқиб чиқишмоқда. Санкт-Петербург ш., 2018 й.*

*Participants of the Second International Congress read out the resolution and charter of the World Society for Study, Preservation and Popularization of the Cultural Legacy of Uzbekistan, St. Petersburg, 2018.*

*Участники II Международного конгресса зачитывают резолюцию и устав Всемирного общества по изучению, сохранению и популяризации культурного наследия Узбекистана, Санкт-Петербург, 2018 г.*



**ЮНЕСКО Бош директори-нинг маданият бўйича уринбосари Эрнесто Ренато Оттоне Рамирес:**

«Сунги йилларда сизнинг мамлакатингизда моддий ва маънавий меросни асраб-авайлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни ғоят муҳим деб ҳисоблайман. Сиз Ўзбекистоннинг маданий мероси бойликлари нафақат мамлакатда, балки бутун дунёда — Европа ва АҚШнинг асосий музейларида сақланаётганлигини бутун дунёга намойиш этиш учун ҳаракат қилмоқдасиз. Ўйлайманки, Ўзбекистоннинг ушбу масалага жиддий муносабати — тадқиқотлар, кўргазмалар, янги илмий тузилмалар ва лойиҳаларни яратиш орқали кўп давлатлар учун намуна. Тадқиқот нафақат академик билимлар, балки фарзандларимиз ва янги авлод учун ҳам билимларни етказиш усулидир. ЮНЕСКО Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилаётганидан жуда мамнунмиз».

меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятини яратиш ғояси илгари сурилди. 2018 йилда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган II Халқаро конгресс доирасида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти ташкил этилди — унинг низоми тасдиқланди, Кенгаш раёсати ва илмий кенгаш сайлаб олинди. Янги тузилма Ўзбекистон тарихи ва маданиятини кадрлайдиган барчани ўзида жамлади.

Тарих бир мамлакат меросини ўрганиш учун бутун дунё олимлари тупланган бундай кенг қуламли воқеликни ҳали билмайди. Бундан ташқари, ушбу халқаро эътибор маълум даражада бири-бирига ўхшаш тарихий ҳодисаларни қўллаб-қувватлайди: Ўзбекистон ҳудуди ҳар доим турли халқлар ва маданиятларнинг учрашадиган жой бўлиб келган.

Жамиятнинг мақсади Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёнинг маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштиришга жалб этилган маҳаллий ва халқаро давлат ва жамоат ташкилотлари, тадқиқотчилар, экспертлар, фан, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа манфаатдор тузилмаларга дунё маданий меросини сақлаш контекстида қўмаклашишдан иборат. Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти 2019 йилнинг август ойида Париж шаҳрида расмий рўйхатдан ўтказилди.

Дунё олимларининг бирлашиши туфайли, Лойиҳа нафақат инфор-мацион, балки илмий аҳамиятга ҳам эга бўлди. Илк бор катта миқдордаги миллий маданиятимизнинг бойлиги ва хилма-хиллиги ҳақидаги тушунчамизни кенгайтирувчи янги маълумотлар илмий муомалага киритилди. Ўнлаб йиллар давомида омборхоналарда «мудраб ётган» кўп-



*Давлат Эрмитажи бош директори  
М. Пиотровский II Халқаро конгрессда  
иштирок этди. Санкт-Петербург ш., 2018 й.*

*Director General of the State Hermitage  
M. Piotrovsky took part in the II International  
Congress. St. Petersburg, 2018.*

*Генеральный директор Государственного  
Эрмитажа М. Пиотровский принял участие  
во II Международном конгрессе, г. Санкт-  
Петербург, 2018 г.*

лаб ажойиб санъат асарлари аниқланмоқда, махсус кўргазмалар ташкил этилмоқда. Жаҳон ҳамжамияти томонидан ўтказиладиган конгрессларда дунёнинг турли мамлакатларидан келган олимлар мамлакатимиз маданиятига оид долзарб илмий мавзуларда ўнлаб янги тақдимотлар қилмоқдалар. Барча ҳисоботлар Интернет тармоғида, лойиҳа манбаларида, ёшларга илғор илмий ютуқларни тақдим этиш учун жойлаштирилган. Пировардида Ўзбекистоннинг қиёфасини яратиш учун мамлакатимизнинг бой тарихи, маданияти ва урф-одатларини оммавий ахборот воситаларида акс эттиришдан-да яхшироқ бирон нарса ўйлаб топишни илжи бўлмади.

*«Янги Ўзбекистон: ноёб  
маданий ташаббуслар»  
мавзусидаги медиа-ивент.  
Лондон ш., 2019 й.*

*Media event "New Uzbekistan:  
unique cultural initiatives".  
London, 2019.*

*Медиа ивент «Новый  
Узбекистан: уникальные  
культурные инициативы»,  
г. Лондон, 2019 г.*







Ўзбекистон маданий меросини урганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти 2019 йилнинг август ойида Париж шаҳрида расмий рўйхатдан ўтказилди.

*The World Society for the Study, Preservation and Popularization of the Cultural Heritage of Uzbekistan was officially registered in August 2019 in Paris.*

Всемирное общество по изучению, сохранению и популяризации культурного наследия Узбекистана прошло официальную регистрацию в августе 2019 года в г. Париже.



Дунёнинг 40 мамлакатидан келган 400 дан ортиқ шарқшунос-олимларга «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» китоб-альбомлари ҳадя қилинди. Тошкент ш., 2019 й.

*More than 400 orientalists from 40 countries were presented with gift books and albums of the series "The Cultural Heritage of Uzbekistan in World Collections". Tashkent, 2019.*

Более 400 востоковедам из 40 стран были вручены в дар книги-альбомы серии «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира», г. Ташкент, 2019 г.

**Россия ФА Буюк Пётр (Кунсткамер) номидаги антропология ва этнография музейи директорининг уринбосари, тарих фанлари доктори, профессор Э. Резван (Россия):**

«Лойиха ажойиб! Мен бундай Лойиханинг ўхшабини учратмаганман. Эҳтимол параллел ёки кичик лойихалар ҳам бордир, лекин битта вазият бу лойихани бошқалардан ажратиб туради – мантикий жihat. Бу ерда Ўзбекистон тарихига оид дурдоналар тўпланган! Ишончим комилки, ушбу Лойиханинг энг муҳим натижаси – турли мамлакатларда ёш олимларнинг авлоди пайдо бўлиши бўлиб, улар ушбу нашрларга асосланган ҳолда Ўзбекистон тарихи ва маданиятини тадқиқ этадилар».

Бутунжаҳон жамияти халқаро дипломатиянинг самарали шакли ҳам бўлиб, у халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, энг муҳими, дунё сахнасида Ўзбекистоннинг маданий нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Лойиха ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб ижтимоий йўналтирилган – у томонидан нашр этилган барча махсулотлар Ўзбекистон ва дунёнинг бошқа мамлакатларининг таълим ва маданият муассасаларига бегараз тарқатилади.

«Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» лойихасининг биринчи натижалари дунё илмий жамоатчилигининг мамлакатимизнинг бой маданий меросига бўлган катта қизиқишини намойиш этди. Ва, албатта, у Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан ҳар томонлама мадад олмоқда. Давлатимиз раҳбари 2019 йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданий меросини урганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг III Халқаро конгресс иштирокчиларига йўллаган мурожаатида таъкидлаганидек: «Маърифат ва таълимга қаратилган лойихалар кулами жуда катта. Уларнинг амалга оширилиши биз учун нафақат шараф, балки Ўзбекистон келажagini белгилловчи асосий йўналишдир. Дарҳақиқат, маърифат ва таълим тинчлик ва яратувчиликка олиб боради. Айнан маърифат ва таълим халқлар фаровонлигининг калитидир. Айнан маърифат ва таълим одамларни эзгу



ишлар, яхшилик ва бағрикенгликка етаклайди. Фақатгина кучларни бирлаштириш орқали биз ушбу эзгу мақсадларга эришишимиз мумкин».

Уша конгрессда Бутунжаҳон жамияти аъзолари Президентга Лойиха доирасида тайёрланган китоб-альбомлардан мамлакатимиз ва дунёнинг ҳар бир кутубхоналари сингари республикадаги мактаблар ва университетларда ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги таклифни билдиришди. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланди. Китобхоннинг қўлида бўлган 20 жилдлик «Ўзбекистоннинг маданий мероси дунё тўпламларида» китоб-альбомларининг иккинчи нашри бепул тарқатиш учун мўлжалланган ва бу юксак қўллаб-қувватлашнинг тасдиғидир.

Ушбу Лойиха узоқ йилларга мўлжалланган, негаки унинг мавзулари чексиз. У мамлакатимиз маданий меросини нафақат ҳозирги кунда қадрлашни, балки келажак авлодларга ҳам сақлаб қолиш учун барча имкониятларни ишга солиш кераклигини таъкидлайди.

*Ўзбекистон маданий  
меросини ўрганиш, сақлаш  
ва оммалаштириш бўйича  
Бутунжаҳон жамияти  
Илмий кенгаши раиси,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси академиги  
Э.В. Ртвеладзе*

*Ўзбекистон маданий  
меросини ўрганиш, сақлаш  
ва оммалаштириш бўйича  
Бутунжаҳон жамияти  
Бошқаруви раиси,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист  
Ф.Ф. Абдухоликов*

**Ислом тарихи, санъати  
ва маданияти тадқиқот  
маркази (IRCICA) Бош  
директори Халит Эрен  
(Туркия):**

«Президент Шавкат Мирзиёевдан Имом ал-Бухорий халқаро марказини барпо этиш, улуғвор бино қуриш, динлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш, ислом цивилизациясини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун миннатдорман. Бир пайтлар мамлакатингиз Президенти томонидан илгари сурилган маърифий Исломни яратиш ғоясининг амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Бир суз билан айтганда, Ўзбекистон бой тарихга эга ва тинчлик, ҳамжихатлик ва бағрикенгликнинг намунасидир. IRCICA Ўзбекистон билан қадимий қўлэмаларни тадқиқ қилиш, аудио ва видео версияларини тарқатиш ва буюк мутафаккирлар туғрисидаги янги лойиҳаларни амалга ошириш, Ўзбекистон маданияти ва санъатини ўрганиш соҳасида ҳамкорлик қилишга доим тайёр».



*III Халқаро илмий-маданий конгресс  
қатнашчилари. Самарқанд ш., 2019 й.*

*Participants of the III International Scientific  
and Cultural Congress. Samarkand, 2019.*

*Участники III Международного научно-  
культурного конгресса, г. Самарканд,  
2019 г.*

---

## FOREWORD

*The great, centuries-old history can never vanish without trace. It leaves its mark on the genetic code of a country, people's lives and historical memory. That is the mighty power of history. The preservation, study and the inter-generational transmission of the historical and cultural heritage of our country is thus one of the priority directions of the Republic's development.*

**Shavkat MIRZIYOYEV,  
The President of the Republic of Uzbekistan**

Uzbekistan has succeeded to the great states, which added a glorious page to history of the world civilization. Amazing works of literature, architecture and arts have been created in this country for centuries and they still delight people interested in the culture of Uzbekistan peoples all over the world. An objective and comprehensive study of this heritage is an urgent task not only for Uzbekistan, but also for the whole world, since the culture of our country is the heritage of all mankind.

Since the Republic of Uzbekistan has become independent, much has been done in this field. At the same time, a new stage in the development of our country has opened new strategies in solving the fundamental problems of cultural development and preservation of heritage. The President of the country, Shavkat Mirziyoyev, raised the issues of the careful preservation, enrichment and enhancement of the historical, cultural and intellectual heritage of the Uzbek people, the education of the younger generation on the basis of universal and national values to the rank of state policy. Such important initiatives as the study of the cultural values of Uzbekistan kept abroad are being implemented in the country, measures are being taken to further improve the storage, research and promotion of manuscripts, and activities are being improved in the field of safeguarding tangible cultural heritage. Events demonstrating the unique culture of the republic, reviving the beautiful and wise traditions of our people are held on a regular basis. Among them are the International Festival of Folk Applied Arts in Kokand, the International Arts Festival "Bakhshi" in Surkhandarya and the International Festival of Arts "Maqom" in Shakhrisabz. Owing to the implementation of new initiatives, it has been possible to achieve a significant upsurge in many areas of cultural life, as well as to draw the attention of the international community to the positive changes that are taking place in society in less than three years.





*Халқаро мақом санъати анжумани,  
Шахрисабз ш.*

*The Maqom Art International Forum,  
Shahrisabz.*

*Международный форум искусства  
макома, г. Шахрисабз.*



*Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Термиз ш.  
The International Bakhshi Arts Festival in Termez.  
Международный фестиваль искусства бахши, г. Термез.*



*Халқаро хунармандчилик фестивали, Қўқон ш.  
The International Handicrafters Festival in Kokand.  
Международный фестиваль народно-прикладного искусства,  
г. Коканд.*

Today our country is opening up to the world. It is palpable in politics – in relations with neighbouring states, as well as in tourism and in the humanitarian sphere. Renewal of many aspects of public life leads to the revitalization of civil society, which understands that a national revival begins with gaining identity, understanding one's own history and culture

These two important factors – the policy of openness in the international arena and the emergence of socially active forces – led to the birth of a new, vivid phenomenon in the life of our country – the multimedia project "Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections". Its initiators were public, non-governmental and international organizations, socially responsible business.

The project is based on the current idea of cataloging and comprehending the masterpieces of the cultural heritage of Uzbekistan created

**Audrey Azoulay, Director –  
General of UNESCO:**

"Legacy is a connection between our generations, between our society. This is exactly what needs to be passed on to other generations, it is something that needs to be shared with the world. This is a universal legacy that we see at the root of our history, and we must therefore make every effort to preserve that heritage. This will be important not only for Uzbekistan, but for the entire world".



**Director of the Hermitage  
Museum in Saint Petersburg  
Mikhail, Borisovich Piotrovsky  
(Russia):**

"Ancient history and culture are always waves of memory in the world of today. This project found a brilliant combination of civic initiatives, non-profit and cultural institutions. This is an example of how historical sites related to the cultural concept are gathered, how they are published, how people really care about the cultural heritage that exists around the world."

**Sayyid Abdulhakim Jujani,  
professor (Sweden):**

"I have always been proud of my Uzbek roots and ancestors. I live in Sweden, but always in my mind in Uzbekistan. I want to express special gratitude to President Shavkat Mirziyoyev, under whose leadership large-scale measures are being taken in the country to preserve and popularize the cultural heritage. As a member of the World Society, I am glad that I have the opportunity to glorify the culture and science of Uzbekistan".

*«Ўзбекистон маданий  
мероси дунё тўпламларида»  
китоб-альбомлар серияси.*

*Book-albums of the series  
"Cultural Legacy of Uzbekistan  
in World Collections"*

*Книги-альбомы серии  
«Культурное наследие  
Узбекистана в собраниях  
мира».*

on this ancient land, but due to a number of circumstances housed now abroad – in various museums and private collections in Russia, Europe, Asia, America, Africa... They are archaeological artifacts, the rarest manuscripts with unique miniatures and various objects of applied art. A similar task has not yet been set by any country in the world. Meanwhile, the collection of the most complete information about the heritage makes it possible to judge its true meaning.

The project involves the establishment of the broadest international scientific contacts around the world. Its active work is increasingly recognized abroad. The doors of the largest museums and libraries, private collections are opening in front of us. We move forward on the path of knowledge with each new step.

The collected materials are published in the form of album books. Each of them is devoted to artifacts from Uzbekistan in a particular foreign collection or group of collections of one country. An illustrative series may include internationally recognized masterpieces, as well as samples little known or completely unknown to the general public and specialists. The text in three languages – Uzbek, English and Russian – is aimed to reach the widest possible readership.

Considering that the project "Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections" is multimedia, disks with video films specially created in addition to the text are attached to the published album books. Films are being made by the Project crew in countries and museums, the collections of which are presented on the pages of books.



At the same time, an augmented reality technique was used, which allows the reader to receive additional visual information about the collection or a specific artifact, for the first time in the publishing practice of Uzbekistan in books and albums. When scanning special marks with a tablet or smartphone, the model of the object in 3D format will appear on the screen, as well as the corresponding video. Such innovations allow attracting wide circles of the younger generation to popular science literature.

interest of art-lovers both in Germany and Uzbekistan, and will in turn promote a deepening of the longstanding cultural relations between our countries. For me personally, it is always especially interesting to learn about the cultural and artistic achievements of those peoples and nations which gained their independence at the beginning of the 1990s.

I hope that cultural and educational projects will continue to help strengthen our political and economic relations and serve to the benefit of both our peoples. There is no doubt that art, which often can do much more than merely overcome language barriers, brings people and cultures together on a path to peace and prosperity.

I sincerely wish this book success and a large readership. To everyone who participated in this unique project, I express due appreciation and thanks.

*With kind regards,*





---

## ПРИВЕТСТВИЕ ПРЕЗИДЕНТА ПАРЛАМЕНТА ЗЕМЛИ САКСОНИЯ Д-РА МАТТИАСА РЁССЛЕРА

Грандиозный проект «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира», задуманный в Ташкенте, представляет собой издание книг-альбомов, презентующих памятники узбекского искусства, хранящиеся за пределами этой страны. Его реализация стала возможной благодаря новой политике независимого Узбекистана, коренным переделом в его политической и общественной жизни.

Данная книга-альбом, которую я имею честь представить, демонстрирует узбекское культурное наследие, хранящееся в музеях Германии. В ней, в частности, дается описание рукописного собрания сочинений великого узбекского поэта Алишера Навои, представлены различные художественные артефакты – миниатюры средневековых рукописей, керамика, оружие, текстильные изделия. Пережив столетия, наполненные беспокойными событиями истории, они удивительным образом сохранились до наших дней.

Классическое искусство Узбекистана хорошо известно в Германии. Его шедевры неоднократно выставлялись в нашей стране, особенно в Саксонии – в музеях Дрездена и Лейпцига. Нередко предметами экспозиций были и подарки гостей из Узбекистана. Такие выставки всегда вызвали большой интерес широкой публики.

С обретением вашей страной независимости 1 сентября 1991 г. между Германией и Узбекистаном было принято соглашение о культурном сотрудничестве. В последующие годы, в соответствии с программой сохранения культуры Министерства иностранных дел, Федеративная Республика Германия принимала активное участие в сохранении уникального культурного наследия Узбекистана. Нам хорошо известно, и не только в среде экспертов, что узбекское искусство не ограничивается всемирно известными памятниками зодчества Самарканда и Бухары, оно богато и многообразно.

Я уверен, что содержание данной книги-альбома заинтересует цени-



телей искусства и в Германии, и в Узбекистане, что в свою очередь будет способствовать дальнейшему укреплению многолетних культурных отношений между нашими странами. Лично для меня возможность ознакомиться с достижениями культуры и искусства народов и государств, которые обрели свою независимость в начале 90-х гг. прошлого века, представляет особый интерес.

Надеюсь, что культурные и образовательные проекты и впредь будут содействовать укреплению наших отношений в политике и экономике, служить на благо народов обеих стран. Несомненно, что искусство, которое нередко делает значительно больше, чем простое преодоление языковых барьеров, объединяет страны и культуры на пути к миру и процветанию.

Искренне желаю, чтобы данная книга-альбом получила известность и признание широкого круга читателей. Полагаю, что все участники этого уникального проекта заслуживают благодарности.

С уважением,





---

## САКСОНИЯ ДАВЛАТ ЭТНОГРАФИЯ ТЎПЛАМЛАРИ

*Марита Андо, Симоне Янсен,  
Саксония Давлат этнография тўпламлари илмий ходимлари*

Саксония Давлат этнография тўпламлари (SES) 2004 йили Лейпциг, Дрезден ва Хернхутдаги учта этнология музейининг кўргазмаларидан йиғилган. 2010 йилдан бошлаб улар Дрезден давлат бадиий тўпламлари уюшмаси (SKD) тасарруфига ўтган. Деярли 300000 та этнография объектдан иборат SES тўплами катталиги жиҳатидан Германиядаги шундай музейлар орасида иккинчи ўринда туради. XIX аср охирида асос солинган уч музейнинг ҳар бирининг тарихи турличадир.

### Лейпциг

1869 йили «Ляйпцигер Цайтунг» газетасида сарой маслаҳатчи ва Дрезденнинг бош кутубхоначиси Густав Фридрих Клеммнинг тарихий-маданий тўпламини сотиб олишда қатнашиш бўйича мурожаат эълон қилинган. Ҳозирда ушбу мурожаат Германиянинг энг қадимги музейларидан бирига айланган музей яратилишини бошлаб берган ҳужжат ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида у универсал тарихий концепцияга мувофиқ тузилган биринчи этнография музейи саналади.

1873–1904 йилларда тўплам махсус таъсис этилган уюшма – «Этнология музейи» назоратида бўлган. Лейпциглик савдогарлардан бирининг мўлгина хайр-эҳсони туфайли 1895 йили музей алоҳида бинода жойлашиш имконига эга бўлган. Аммо тез орада мазкур бино музей ва ундаги ашёлар учун торлик қила бошлаган ва 1925–1929 йилларда шаҳар маъмурияти худди шу номдаги янги иморатни қуриб берган. Лейпциг этнология музейи ва яна иккита музей ҳозиргача шу ерда фаолият юритади.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида музей ўз тўпламининг бешдан бирини, жумладан, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган бебаҳо ашёларни йўқотган. Эндиликда қарийб 4000 метр квадратлик умумий майдонда бутун дунёдан йиғилган санъат асарлари ва кундалик турмуш ашёлари доимий ва муваққат кўргазмаларга қўйилган.



## Дрезден

Дрезден этнология музейидаги энг қадимий объектларнинг келиб чиқиши Саксония курфюрсти Август I кунсткамера-музейига алоқадор саналади. У 1560 йили барпо этилган бўлиб, маълум маънода бугунги кунда Дрездендаги Давлат бадий тўплами бирлаштирган кўп-лаб музейларнинг асосчиси ҳисобланади. Забардаст Август музейни хазиналарнинг ҳақиқий тўпламига айлантирган. Тўплам ҳукмдорнинг ҳашамат ва Шарқ билан боғлиқ барча нарсаларга қизиқишини ўзида яққол акс эттиради. Ҳиндча хона ва туркча чодир бунинг исботидир. XVIII асрдан бошлаб тобора илмий асосдаги тизимли жамлаш олдинги ўринга чиқа бошлаган. Музей «Қироллик оммавий тўплами»нинг пойдевори бўлган. Анча кейинги тўпламлар негизига айланган махсус тўпламлар вужудга келган. Дрездендаги Этнология музейининг ташкил топиш санаси табиат тарихи музейида этнография бўлими очилган 1875 йил саналади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Этнология музейи ва Зоология музейи иккига ажралган. Иккови ҳам 1954 йили Дрезденнинг қок ўртасидаги, энг зарур даражадагина таъмирланган Япон саройида қўним топган. Бино ҳалигача бутунлай таъмирга муҳтож эканлигига қарамай, Дрезден музейи ашёлари ҳозирга қадар айнан шу ерда кўрғазмага қўйилади. Сақлов хонаси эса шаҳарнинг четига – Клоцше шаҳрига кўчирилган.

## Хернхут

1878 йили Хернхутда барпо этилган Этнография музейи Моравия черкови тарихи ва унинг олам узра фаолияти билан яқиндан боғлиқдир. Табиий-тарихий кабинет номи Барбидаги Моравия черкови диний

*Япон саройи, Дрезден.*

*Japanese Palace, Dresden.*

*Японский дворец, Дрезден.*





ўрта мактабининг 1758 йилги хужжатларидаёқ тилга олинади. Бирок «Хернхут музейлари иттифоқи» 100 йил ўтибгина тузилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин музей олдинига маҳаллий бошқарувга ўтган ва нихоят, 1975 йили Дрездендаги Этнология музейига бириктирилган.

### **Ўзбекистонга оид тўпламлар**

Уч музейнинг ҳаммаси ашёлар йиғиш бўйича ўз анъанасига эга бўлиб, бу уларнинг тарихига ҳам мутаносиб келади. Лейпцигда диққат марказида кулолчилик турса, Дрезденда тўқимачилик шундай аҳамиятга эга. Хернхутга келсак, унинг кичкина тўпламида Ўзбекистонга оид ашёлардан бир нечта бор, холос.

Тўпламларга доир хужжатларда умумий ҳисобда 582 та ашё қайд этилган бўлиб, улардан 444 таси Лейпцигда, 116 таси Дрезденда ва 22 таси Хернхутда сақланмоқда. Уларнинг асосини шаҳар хунармандчилиги маҳсулотлари ташкил қилади ва уларнинг тавсифида сотиб олинган жой кўрсатилади, холос. Масалан, Бухоро ёки Самарқанд. Дрездендаги 116 та ашё тўқимачилик буюмлари бўлиб, улар сирасида 25 та сўзана бор. Уларнинг энг кўхнаси музейга 1904 йили совға қилинган. Охиргиси эса бошқа 64 та ашё билан бирга 2014 йили Шталдан тухфа ўрнида қабул қилиб олинган.

Лейпцигдаги 444 та ашёдан 223 таси сопол буюмлар бўлиб, улар орасида лаганлар, кошинлар, шунингдек, сопол тасвирлар кўп. Ашёларнинг энг қадимгиси Густав Клеммнинг илк тўпламидандир. Лекин аксар кўпчилигини лейпциглик график ва рассом Герд Тилеманндан сотиб олинган хусусий тўплам ташкил қилади.

### **Тўпловчилар**

Лейпцигдаги музейнинг илк коллекциясини тўплаган маданият тарихчиси ва кутубхоначи доктор Густав Клемм (1802–1867) бутун умр инсоният маданияти тарихи музейи ҳақида орзу қилганди. Унинг кенг кўламли тўплами деярли 1500 сақлов бирлигини қамраб олган. Ашёлардан бири «Бухородан» деб тавсифланган бўлиб, бу – косанинг чарм халтаси эди.

Болтиқбўйида туғилган Фридрих Эмиль Дукмейер (1864–1930), Петербургда катта ўқитувчилик учун имтихондан ўтиб, Россиянинг Берлиндаги бош консулхонаси ходими бўлган. 1894–1900 йилларда Тошкентдаги ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Кейинчалик Мюнхен ва Берлинга кўчиб ўтган ҳамда адабиёт ва санъат тарихини ўргана бошлаган, турли кутубхоналарда маслаҳатчи вазифасига тайинланган. Бу-



тун умри мобайнида Туркия, Греция, Италия ва Кавказга саёхат қилган. Лейпциг этнография музейига совға қилинган ашёлар эса, у Тошкентда яшаганида сотиб олинган эди.

1954 йили ГДРда музейлар «тўпламларини тартибга солиш» жараёнида Лейпциг музейи Халледаги Ибтидоий жамият ва ундан олдинги давр тарихи давлат музейидан келиб чиқиш жойи Россия деб кўрсатилган турли безак ашёларини олган. 1984 йили доимий кўргазма яратиш иш жараёнида мутахассислар мазкур ашёларнинг ватани Бухоро, Тошкент ва Самарқанд эканлигини аниқлаганлар. Ҳақиқий тўпловчи ва уларни ясаган уста тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган.

Музей ходимлари, масалан, 2006 йили бевакт оламдан ўтган Инге Зайверт унинг эри доктор Вольф-Дитер Зайверт ёки музейнинг собиқ мудири доктор Лотар Штайн ўз сафарлари давомида тўпламларни тўлдириш учун ашёлар олиб келганлар.

Ҳозирда бор ўзбек тўпламининг катта қисми лейпциглик рассом Герд Тилеманн томонидан йиғилган. 1952–1957 йилларда Ленинграддаги Репин номидаги институтда графика санъатини ўрганиб юрган пайтида унда Совет Иттифоқи халқлари анъанавий санъатига қизиқиш уйғонган. У тўпловчи сифатида кулолчилик намуналари – идишлар ва кичик ўлчовдаги ҳайкалтарошликка алоҳида эътибор берган. Чой ичаётган эркаклар, отлиқлар, каштачи аёллар, кулоллар қиёфаларининг барчаси, аждарҳолар ёки барча севадиган Хўжа Насриддин сингари эртақлар ва латифалар қахрамонлари қаторида унинг тўплами ажралмас қисмига айланган. 40 йилдан ортиқ давр давомида у ўз тўпламини илмий нашрлар билан қуролланган, ҳар бир сафарига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда тизимли шакллантириб борган. Бунинг натижаси ўлароқ, унинг тўпламини ҳам тарихий теранлик, ҳам минтақавий яхлитлик нуктаи назарларидан тенгсиз деса бўлади. Пойтахт шаҳарлар бадиий кўргазмаларига қатнаш экан, улар тугаганидан сўнг кўрсатиб бўлинган ашёларни сотиб оларди. Бироқ усталар, ҳатто энг узок қишлоқларда яшасалар ҳам, улар билан доимий алоқада бўлиш унинг учун кўпроқ аҳамият касб этганди. У кўп марта Ўзбекистонга келиб, ўз тўпламини аёло даражадаги буюмлар билан тўлдириб борган. 1993 йилдан бошлаб Лейпциг музейи босқичма-босқич унинг бутун тўпламини сотиб олган. Аммо шундан кейин ҳам Герд Тилеманнинг бадиий буюмларни тўплаш иштиёқи сўнгган эмас.

Грасси биносида 2001–2005 йилларда амалга оширилган тиклаш ишларидан сўнг янги доимий кўргазма режалаштирилган эди. Айни замонда музей тўплами асл ўзбек чойхонаси буюмлари билан бойиган. У собиқ ГДРнинг тарғибот жамоат ташкилоти – «Немис-совет дўстлиги»



уюшмасига тегишли бўлган ва 1990 йили ёпилгач, кўп йиллар Лейпциг-даги Немис-совет дўстлиги уйида турган. Тарқатилган ташкилот ички кўринишнинг ушбу ашёси учун янги жой қидира бошлаган ва шундай майдонни Этнология музейидан топган. Ун йилдан ошиқроқ вақт ўтиб, чойхона Ўрта Осиёга бағишланган намоёнишгоҳ маркази бўлиши керак эди, лекин қурилманинг айрим муҳим қисмлари етишмасди. Музей-нинг ёрдам сўраб Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасига мурожаати натижасида, ҳам чойхонада қўлланиши керак бўлган, ҳам тўпламга киритиш учун зарур 150 дан ортиқ объект совға ўрнида олинган.

Дрезден этнология музейининг илк ашёлари 1904 йили Вилли Рикмерсдан (1873–1965) ҳадя сифатида қабул қилинган. Ганза савдо гуруҳига мансуб бой-бадавлат савдогар ўғли бўлмиш Вилли альпинизмга мукка-сидан кетган ва кўп вақтини саёҳатда ўтказган, Кавказ, Марказий Осиё, шунингдек, Помирга борган эди. 1894–1898 йилларда Марказий Осиё бўйлаб сафари чоғида у тахминан 800 та санъат асарини сотиб олган. Улар орасида сўзана ва гиламлар ҳам бор эди. Вилли уларни немис му-зейларига совға қилган. Шу тариқа Дрезден этнология музейи Бухоро, Кавказ ва Эронда ясалган 58 та ашёни қўлга киритган. Шундан 36 таси ҳозиргача музей тўпламида туради. Рикмерснинг шарофати билан Бер-линдаги Этнология музейи ҳам бойиган.

Машҳур сайёҳ олтин қазиб олиш ҳуқуқини қўлга киритиш орқали Марказий Осиёда тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган, лекин ури-ниши омад келтирмаган. 1906 йили Германияга қайтган ва спортнинг қишки турлари ва сайёҳликка берилиб кетган. 1928 йили у яна йўлга от-ланган ва бу гал немис-рус Олой-Помир сафари таркибида бўлган. Унинг тахминан 1935 йилдан умрининг охирига қадар – 1965 йилгача кечган кейинги умри ҳақида деярли ҳеч нарса маълум эмас.

Гертруда Реннхард (1916–2010) кўп йиллар Швейцария ташқи иш-лар вазирлигида котиб, сўнг Швейцариянинг Римдаги элчихонасида, 1962 йилдан эса Техрондаги элчихонасида ишлаган. Турли мамлакатлар маданиятига ҳавас қилган ҳолда кўп саёҳат қилган, этнография, маданий анъаналар билан қизиққан, осори атиқалар тўплаган. 1962–1976 йиллар-да Ўзбекистонга ташрифлари пайтида у маҳаллий амалий санъат асар-ларини сотиб олган ва ҳаётлигидаёқ уларнинг айримларини Дрезден этнология музейига тақдим этган. Ашёларнинг бошқа бўлаги мерос си-фатида музейларга 2011 йили топширилган.

Профессор, доктор Зигфрид Шталда (1920–2014) бадиий ашёларни тўплаш завқи 1994 йилдан бошланган. У Перу тўқимачилик буюмла-рини сотиб олар, Африка, Онадўли тоғлиги, Афғонистон ва Марказий Осиёга қизиқар эди. 2014–2015 йиллари унинг меросхўрлари тўқимачи-



лик буюмлари ва гиламлардан иборат катта тўпламни Дрезден этнология музейига совға қилганлар.

Лейпциг этнология музейида «Бир хайр-эхсон уйи»га тегишли безаклар тўплами алоҳида аҳамият касб этади. Келиб чиқиши турк бўлган шифокор Умит Бир Волфсбургда яшаган. Тўпловчи сифатида у Шарк ва Ғарб ўртасида маданий бойликларни айирбошлашнинг кучли тарафдори бўлган. Унинг тўплами узок муддатда фойдаланиш учун музейга берилган бўлиб, таркибида ўзбекларнинг 28 та заргарлик буюми ҳам бор.

### Тўплаш тузилмасига оид мисоллар

Тўпламларни тўлдириш мақсадида музейлар бирор имкон туғилиши билан сафарларни молиялаштиришга ҳаракат қилганлар. Аммо шунга қарамай, тўпламларнинг каттагина қисми бўйича улар хусусий тўпловчилар олдидан қарздордирлар. Гарчи бундай ҳолат ашёларни йиғишда тасодиф омилини кучайтирса-да, айнан хайр-эхсонлар туфайли минтақавий ва махсус тўпламлар пайдо бўлган ҳамда ранглар турфалиги билан турмушнинг тамомила турли йўналишларини акс эттирган. Масалан, дўппиларнинг унча катта бўлмаган тўплами худди шу тарзда шаклланган.

Ҳар бир ўзбек оиласи азалдан қўлда ясалган металл идишдан фойдаланган. Саноатда ишлаб чиқарилган шу каби буюмлар пайдо бўлиши билан қўлда ясалганларининг аҳамияти секин-аста сусая бошлаган. Шунга қарамай, XIX асрда Бухоро, Самарқанд ва Хива ажойиб мис ва жез буюмлар ясалган металл ўймакорлигининг йирик марказлари бўлган.

Германия этнология тўпламларида таҳорат ёки овқатланишдан бурун қўл ювиш учун сув солинадиган туркум идишлар – офтобалар, шунингдек, мазкур мақсадда қўлланиладиган панжарасимон қопқоқли дастшуй – қўлқовгичлар бор.

Хернхут этнология музейи ашёлари асосан Моравия черкови тарғиботчилари томонидан келтирилган. Марказий Осиёда ўз манзилгоҳларига эга бўлмаганлари сабаб, улар совға қилган бир неча ашё кўпроқ тасодифий харид бўлган, дейиш мумкин.

Ўзбекистон заргарлик буюмлари ғоят турфа бўлиб, ўзбек хонликлари аҳолисининг барча ижтимоий ва этник гуруҳлари дидини қаноатлантирган.

Тўпламда қуритилган қовоқдан ясалган носқовоқлар ёки кундалик турмушда кўп қўлланиладиган метро жетони, қоғоз пул ва тангалар ҳам бор.

Тилеманн тўпламида 1975 йили бухоролик уста Мансуров ясаган бешик мавжуд. Европаликлар чақалоқ пешоби оқиши учун махсус мосла-



ма – сумаги бор Шарқ бешигидан беҳабар бўлганлари сабабли, уларни хуштак деб ўйлаб, бозорларда сотиб олганлар. Бинобарин, музейнинг XIX аср қирим дафтарида улар айнан шу тарзда, яъни хуштак сифатида қайд этилган.

## **Ўзбекистон тўқимачилик буюмлари – ҳис-туйғулар байрами**

Ўзбекистоннинг бой ва ранг-баранг тўқимачилиги ўзида ўтроқ-деҳқончилик ва чорвадор аҳолининг маданий анъаналарини акс эттирар экан, ашёларнинг этник тегишлилиги иккинчи даража касб этади. Ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар, қozoқлар ёки бухоролик яхудиёлар – барча-барчаси ушбу санъат ривожига иштирок этганлар.

Шаҳарликлар – давлат хизматчилари, савдогарлар ва хунармандлар, одатда ўз ижтимоий мавқе ва моддий ҳолатини зеб-зийнат орқали эмас, балки тўқимачилик буюмлари воситасида намоёниш қилганлар. Бу борада шойи ва зардўзи чопонлар алоҳида ўрин тутган. Тўқимачиликнинг серхашам ашёлари отларни ясашиш учун ҳам тайёрланган – бизнинг тўп-ламда от ёпиғининг бир неча нусхаси бор.

## **Сўзаналар**

Ўзбекистон тўқимачилик маданиятида катта ўлчамли кашталар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар мақсад ва ўлчовига кўра турфа бўлган. Уларнинг орасида аввало сўзанага эътибор бериш лозим. Ушбу чиройли палаклардан девор гиламлари ёки никоҳ тўшаги ёпинчиғи сифатида фойдаланилган. 1995 йилги «Ўзбекистон. Ипак йўли ворислари» кўرғазмаси каталогига қуйидагиларни ўқиш мумкин: Туркистон анъанавий маданиятидан кириб келган энг гўзали – умумлашма «сўзана» номи билан бизга маълум бўлган катта ипак кашталардир. Савдода арзон ва четдан келтирилган гулбосма матолар пайдо бўлгунга қадар Ўзбекистонда каштачилик катта аҳамиятга эга бўлган.

Каштачилик билан чорвадорлар ҳам, деҳқонлар ҳам шуғулланган бўлсалар-да, катта палак тайёрлаш воҳанинг ўтроқ аҳли орасида кенг тарқалганди. Худудан ушбу тегра ҳозирги Ўзбекистон (Хоразмни истисно этганда) ва Тожикистон шимолини қамраб олган. «Сўзан» сўзи игнани англатади. Кўркам сўзаналар келин сепининг муҳим қисми саналган. Оилада қиз дунёга келгач, онаси бўлажак сепни тайёрлаб бориш мақсадида кашта тика бошлаган, кейинчалик унга улғайган қизи қўшилган. Агар тўй куни яқинлашиб, бироқ зарурий палаклар сони етарли бўлмаса, ёрдамга қариндошлар ва қўшниларни чорлашган.

Кашта беағи у тайёрланган худуддан дарак берган. Чунончи, қизил



ва қора бўёқлар бирикмаси Самарқандда қўлланган, оқ асосда яшил ва кизил бўёқлар бирикмаси эса Бухорога хос эди. Кашта асоси сифатида, одатда оқланмаган ип газлама танланган. Тахминан 1880 йилдан ушбу мақсадларда Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган рангли ип газламалар ишлатила бошланган. Кашта тикишда маҳаллий ипак, камдан-кам ҳолларда пахта ёки жун ипларидан фойдаланилган. Кўпинча кашта тикиш қўлда тайёрланган, бир эн матода алоҳида-алоҳида бажарилган ва кейин улаб тикиб, яхлитланган. Кашталашда нақшнинг олдиндан матога туширилган чизмасидан фойдаланилган. Чоклар ҳар турли бўлган, ироқи ва занжира чоклари кўпчиликни ташкил этади. Кашталар ўлчови ва шаклига қараб уларни қўллаш борасида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Масалан, улар билан сандалдаги хонтахтани безашган. Бу хонтахта атрофига оила аъзолари исиниш учун тўпланишган.

Герд Тилеманн 2002 йили Ўзбекистон бўйлаб сафари чоғида, охириги ўн йил ичида каштачилик юксалиш босқичини бошдан кечирганига иқрор бўлган. Олдинги вақтларда у ўз тўплами учун биронта сўзана-ни катта қийинчилик билан топарди. Негаки, қишлоқ хўжалиги ёки ишлаб чиқаришда банд аёллардан камдан-ками каштачиликнинг эски анъаналарини давом эттиришга жазм қила оларди. Бугун эса кундалик ҳаётнинг европалашишига қарамай, ўзбеклар ўз уйлари-ни жиҳозлашда ота-боболари анъаналарига риоя қилмоқдалар. Фабрикада ишлаб чиқарилган гиламлар ўрнини қўлда тўқилганлари эгалламоқда. Хатто шаҳарлардаги кўплаб оилалар уйларида миллий йўсинда жиҳозланган хоналар бор. Уларда одатий мебелни кўрмайсиз, хоналар сахнига гиламлар тўшалган, кўрпачалар солинган, ёстиклар қўйилган. Овқат хонтахта ёки гилам устига ёйилган дастурхонга тортилади. Кундалик турмушда оилалар, одатда мана шундай хоналарни хуш кўрадилар, айтилишича «европача» хоналар эса кўпроқ расм-русум билан боғлиқ тадбирларда керак бўлади<sup>1</sup>.

### Ипак матолар ва тўнлар

XIX аср охиридан Европа хусусий ва музей тўпламларида абр матолар ва тўнлар пайдо бўла бошлаган. Ўзбек атлас ва адрас матоларини тайёрлашнинг ўзига хос жиҳати таг ипини олдиндан туширилган расм бўйича бўяш билан белгиланади. Тайёр маҳсулот – эни 30–45 сантиметрлик матодан кийим ва бошқа турдаги маҳсулотлар тикилган. Атлас ва адрас матолар беаги билан кишини мафтун этади, оддий тўқимачилик дастгоҳларида ана шундай ақл бовар қилмас нақшлар солинишининг ўзи фаройибдир. Асосий мато – ипак ёки ипак ва пахта бўлган. Ипак матолардаги нақшлар гўзал бўлган. Шу-

1 Зайверт Инге. Выставочный каталог «Упоминания».



ниси ажойибки, одий тикув дастгоҳида бундай гўзал расмлар ҳосил бўлган. Марғилон, Наманган, Қўқон, Бухоро, Самарқанд, Китоб Ўзбекистон ипакчилик маданиятининг энг йирик марказларидир.

Қимматбаҳо ипак тўнлар юкори табақалар доирасида бир нечтаси устма-уст кийиб юрилган. Устки кийим ушбу турини бичишнинг анъанавий андазаси Т ҳарфисимон шаклда бўлган. Барча тўнларда астар бўлган. Аёл ва эркаклар тўни бир хил кўринишга эга бўлиб, уларни деярли ажратиб бўлмасди. XIX асрда ва XX аср бошида астар учун асосан ҳам маҳаллий ишлаб чиқарилган, ҳам Россиядан келтирилган чит ва пахта қўлланган. Баъзан астар ўрнида бошқа абр мато парчалари ҳам ишлатилган.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Ғарб бозорига эркин чиқиш имконига эга бўлди ва замонавий усталар қўлда тўқиган ипак матолар барча ўзбек тўқимачилиги шайдоларининг қалбини яна ўзига ром этмоқда.

### Кулолчилик

Кулолчилик – Ўзбекистон амалий санъатининг энг қадимги турларидан бири. Анъанавий жиҳатдан у идиш-товоқ ва меъморий кулолчилик йўналишида ривож топиб келган. Меъморий кулолчилик ўз тараққиёт чўққисига XIV–XV асрларда – Амир Темури ва темурийлар ҳукмронлиги даврида эришган. Сопол буюмлар бўёқларининг кўп қўлланган бирикмаси оқ ва зангори эди. Безаклар орасида геометрик ва гулти нақшлар устунлик қилган. Чирмашма ўсимликлар кўринишидаги нақшни илоҳий ижоднинг чексизлиги белгиси ўрнида қабул қилиш мумкин.

XIX аср охиридан Россия ва бошқа мамлакатлардан сирланган дағал чинни ва оддий чинни идишларнинг келтирилиши кулолчилик ҳунаромандчилиги инқирозига сабаб бўлади. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, маданий мероснинг ажралмас қисми саналмиш ҳунаромандчиликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши туфайли, амалий санъатнинг мазкур тури яна жонлана бошлади.

Любек этнография музейи мудир Х. Раммов, мазкур музейнинг собиқ мудир, XX аср бошида Туркистоннинг турли минтақаларидан ажойиб тўплам йиққан Р. Карутц изидан бориб, 1980 йилларда Ўзбекистонни кезиб чиққан. У шундай ёзганди: «Давлат томонидан ҳомийлик кўраётган ўзбек усталари лаган, пиёла, коса ва лаганчалар ясаганлар ва уларни сирлаб, нақшлаганлар. Ярмарка ва кўргазмаларда уларнинг ишлари ҳайрат уйғотган. Шаклли сопол буюмлар, масалан, қуш қиёфасидаги кўза, шунингдек, ўзбек аёллари томонидан қўлда ясаладиган ва бўяладиган лой хуштакларнинг ғоятда донғи чиққан»<sup>2</sup>.

Герд Тилеманн 2002 йилда яна Ўзбекистонга келди. У кулолчилик ҳо-

2 Раммов. 1988, стр. 37.



латини олдинги кузатувлари билан таққослади: «Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликни қўлга киритганидан кейин, бозор иқтисодиёти анъанавий хунармандчиликка ҳам катта таъсир ўтказди. Сайёҳлик марказлари, дўконлар, масжидлар, эски савдо уйларига яна ҳаёт қайтиб келди. Кулолларнинг янги авлоди аждодларнинг асрий анъаналарини сақлаш баробарида, ўз маҳсулотларини яратишда янгича қўшимчалар киритишмоқда. Хунармандларнинг уюшмаларини ташкил қилишмоқда, миллий ва халқаро кўргазмаларда иштирок этишмоқда. Миллий анъаналар ривожланмоқда»<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда учта кулолчилик мактаби бор: Фарғона (марказлари – Риштон, Андижон, Ғурумсарой), Бухоро-Самарқанд (марказлари – Самарқанд, Ғиждувон, Ургут, Шаҳрисабз, Денов, Ўба) ва Хоразм (марказлари – Мадир, Хонқа, Каттабўғ).

Мактаб ва марказларнинг ҳар бири безак ва ранг тусига кўра ажралиб туради. Агар Ғиждувон ва Шаҳрисабзда идиш нақши мўйқалам билан солинса, Ургут ва Деновда ўймачилик усули қўлланилади.

Бухоро-Самарқанд мактаби идишлари билангина эмас, балки кичик ўлчовли сопол ҳайкалтарошлиги билан ҳам машҳурдир. Хусусан, Вобкент яқинидаги Ўба қишлоғининг шўхрати маълум бўлиб, бу ерда 1970 йилларда Фатилло Саъдуллаев ва Ҳамробиби Раҳимова фаолият кўрсатганлар. Улар лой ўйинчоқлар ясашнинг кўп асрлик анъаналарини давом эттириш баробарида ўз услубларини ҳам ривожлантириб борганлар. Уларнинг ишларида ислимий нақшлар камроқ кўрсатилган.

Бухоро-Самарқанд мактабининг ўзига хослиги кўрғошин сирдан фойдаланилиши билан боғлиқдир. Ушбу мактаб бўёқларида жигарранг ва яшил-сарик, беағида эса ўсимликсимон нақшлар (япроқлар, гуллар) устунлик қилади.

Самарқанд кулолчиликнинг энг қадимги марказидир. Неча юз йиллик анъаналарни сақлаб қолган энг машҳур усталардан бири Умарқул Жўракулов (1894–1973) саналади. Ўз фаолиятида у Самарқанд шаҳрининг қадимги ўрни – Афросиёбда топилган археология артефактларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган.

Уста ясаган ўйинчоқлар афсонавий ҳайвонлар ва қушларнинг терракота қиёфалари, шунингдек, Ўрта Осиё икки дарё оралиғи воҳалари бўйлаб туя ва отлик қарвонлари ҳаракатланган Буюк ипак йўли даврини эслатувчи чавандозлардир.

Самарқанднинг кичик ўлчовли ҳайкалтарошлиги халқ хунармандчилиги чегарасидан чиқиб, юксак касб санъатига айланади, ғоят турли сиймо ва мавзулар билан бойиб боради. Кулоллар идиш шакллари янгилаб боришда ўзларини синаб борадилар, ниҳоят туркум



тасвирлашга урғу берадилар. Бизнинг тўпламда Самарқанд мавзусидаги терракоталар ўзбекларнинг кундалик ҳаёти ҳақида тасаввур уйғотади. Қиёфалар ўзидан тароват ва донишмандлик таратади, масалан, эшак устида ўтирган ота-бола, чарх устидаги кулол, каштачи хотин-қизлар ва албатта, Ўзбекистондан ташқарида ҳам донғи чиққан, бухоролик машҳур Хўжа Насриддин. Герд Тилеманн бир қанча терракота қиёфаларни совға ўрнида усталарнинг ўзидан, хусусан, самарқандлик уста У. Жўрақуловнинг шогирди Худойберди Ҳақбердиевдан (1949 йили туғилган) олган.

Самарқанддан 30 км жануби-шарқдаги Ургут шаҳри кулол Облоқуловлар оиласининг ватанидир. Уста Маҳкам Облоқулов ва унинг ишини давом эттираётган ўғли Нўъмон ўзига хос ўйма нақшли кўплаб лаганчалар ва косалар муаллифидирлар. Ўймачилик жуда қадимги анъана бўлиб, унинг ёрдамида бир маромда туширилган ва зарҳал, яшил сир қоплама билан чирой бағишланган турли геометрик унсурлар ифодаланади. Бизнинг тўпламда сув кўза ва мазкур усталарнинг мой кўзаси бор.

Шаҳрисабзлик усталар Худойқулов ва Музаффаров безакли лаганларни ясашда ёрқин ва ёқимли бўёқларни афзал кўрганлар.

Сурхондарёдаги Денов шаҳрида тирнама нақшли сир буюмларни ясашда азалдан яшил ва сарғиш қизил бўёқлардан фойдаланилади. Баъзан идишлар юзасида арабий, туркий ёки форсий ёзувлар учраб туради.

Ғиждувонда кулоллар анъанавий равишда ёрқин сарғиш қизил тилла сир остига бой гулли нақш солинган, мураккаб зангори қадамалари бўлган ёки гўё ёйилиб бораётгандек сирланган лаган, коса ва пиёлалар тайёрлаб келади. Хайвон ёки қуш танасининг бир қисми, масалан бургут думи, илон изи ва бойўғлини ўзида акс эттирган хайвонсимон нақшлар ҳам учраб туради. Маҳаллий шаклларнинг энг ажойибларидан бири туби юқорига чўзилган товоқ-ўйинчоқдир. Шу тарзда пайдо бўлган бўшлиқда лой сокка бор бўлиб, у товоқни «ўйинчоқ»қа айлантиради. Болаларга овқатни шундай товоқда тартадилар ва уни еб бўлгач, маза қилиб бўш товоқни тақиллатадилар.

Ўба кулолчилиكنинг яна бир анъанавий марказларидан бўлиб, мазкур кишлоқ усталарини Ўзбекистондан олисда ҳам яхши билатдилар. Улардан бири – Ҳамро Раҳимова (1896–1979) лой ўйинчоқлари бўйича тан олинган уста ҳисобланади. У оқ лойдан ясаган хайвон қиёфалари ҳақиқий сеҳрли оламнинг ўзгинасидир. Ўзининг ақл бовар этмас ижод намуналарини икки товуқ патини боғлаб бирлаштирган қалам ва қўлбола бўёқ ёрдамида қизил ва зангори нуқталар билан безаган. Қомати турғун бўлса-да, ўйинчоқлар жонлидек туюлади. Уста ясаган от, хўтик, арслон, қўй ва филлар ўзларида Ўзбекистонда минг



йиллар давомида ривожланиб келган анъанавий санъат турини гавдалантиради.

Сопол ўйинчок лойнинг яхлит бўлагидан ясалади, кўп ҳолларда уларнинг сиртида уста бармоқларининг излари қолиб кетади. Олдинги замонларда бу каби жажжи хуштаклар шарқий йилнома бўйича янги йил – баҳор байрами Наврўз муносабати билан совға қилинган. Улардан таралган овоз ёвуз руҳларни ҳайдашига ишонишган. Шунингдек, улар болаларни овутиш учун хизмат қилган.

1874–1885 йилларда Марказий Осиёда яшаган метеоролог Ф. фон Шварц шундай маълумот қолдирган: «От, эшак, сигир, туя, кўй, кийик, фил, отлик ва бошқаларнинг кичрайтирилган шаклидаги оддий ўйинчоклар биздаги сингари ёғочдан эмас, пишитилган ва сирланмаган лойдан ясалган».

Ҳамро Раҳимова мактабини 1980-йиллар ўрталаридан бошлаб икки уста – унинг ўғли, шунингдек шогирди Кубаро Бобоева давом эттирганлар. Кубаро Бобоева ўйинчокларнинг анъанавий шаклини сақлаш баробарида уларни янада сархил ва ўзига хос қилиб ясашга ҳаракат қилган.

Кулолчиликнинг Ўзбекистондаги энг кўхна ва машҳур марказларидан бири Фарғона водийсидаги шаҳар, сопол буюмлар тайёрлаш камида IX асрда бошланган Риштон ҳисобланади. Маҳаллий идишлар кўпроқ оқ-зангори бўёқлар уйғунлигидаги нақшларнинг қўлда мўйқалам воситасида солиниши билан шуҳрат қозонган.

Ўзбек сопол идиши шаклан икки турга бўлинади – ясси (лаганлар, косалар, пиёлалар) ва чўзиқ (кўзалар, хумлар). Илгари замонларда косачилар ясси шакл идишларини, кўзачилар эса чўзиқ шаклиларини ясашлари билан боғлиқ қатъий меҳнат тақсимооти мавжуд бўлган. Эндиликда бундай ихтисослашиш мажбурий бўлмай қолди.

Риштон идишларининг шакли хилма-хилдир. Кичик ва катта лаганлар, сут ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари учун косалар, мева учун коса, сув учун кўза, ёғ ва дон-дун учун хумлар шулар жумласидандир. Ўтмишда бўлгани каби бугун ҳам усталар сирлашда ўсимликдан тайёрланган ишқордан фойдаланадилар.

Безак мавзулари сон-саноксиздир, масалан, гулли айланалар ва барглар ўхшатмаси, бодом, анор, ток новдалари, пахта чаноғи шакллари ва бошқалар. Кўпинча анъанавий нақшлар янгича талқин олган ҳолда анъанавийлик ва янгилик аро давомийликка хизмат қилади. Сўнгги йилларда айрим усталар лаганларни арабча хаттотлик ёзувлари билан ясатиш, безакларда миноралар, масжидлар ва мадрасалар лавҳаларидан иборат меъморий унсурларни акс эттиришга ҳам қўл урмоқдалар.

Ҳозирда қўлда ясалган Риштон сополи ҳам кунда қўллаш, ҳам безак



унсури маъносида ниҳоятда кадрланади, уни тўйга тўёна қилиш тез-тез учраб турадиган ҳолдир.

Фарғона водийсида сопол буюмлар ишлаб чиқариш бўйича эътирофга сазовор яна бир марказ Ғурумсаройдир. Ғурумсарой кулолчилигига қадимги анъаналарни сақлаб қолишга анча қатъий риоя этишдек, маълум маънодаги консерватив ёндашув ҳосилдир. Бу ерда сирлаш ва нақшни амалга оширишдан пиширишгача бўлган тўлиқ жараён бир уста томонидан бажарилиши мумкин. Буюмлар беағи нисбатан эскича ва шу билан бирга, табиий жўнлик касб этган маҳобатли афсонавий мазмунга эгадир. Ғурумсарой кулолчилигидаги улуғвор тиниқлик ва услубий яхлитлик унчалик ўзгариш топмаган безаклар ўзаро жойлашувдаги барқарорликни таъминлаб беради. Безатишда кўзалар, парзоқгул, шунингдек, учи кенг салибсимон мавзулар ва кўпқиррали юлдуз кўринишидаги тасвирлар устунлик қилади. Кундалик ишлатиладиган ўртача чуқурликдаги лаганлар (диаметри ярим метргача) ва кичик лаганлар, қўшқулоқли идишлар ҳам кўп учрайди.

Хива яқинидаги Мадир ва Каттабоғ қишлоқлари Хоразм кулолчилик мактабининг бош марказлари саналади. Хоразм кулолчилигининг ўзига хослиги ҳам шакл, ҳам нақш жиҳатидан намоён бўлади. Айниқса, чети тикка ясалган катта лаганлар – бадия кенг тарқалган. Машҳур турлардан яна бири гуппи бўлиб, унда сутдан қаймоқ ивитилган. Қўлланишидан келиб чиқиб, бундай идишларга безак берилмаган.

Хоразм кулолчилигида безаклар мавзулари у қадар хилма-хил эмас. Асосан геометрик ва гулли нақшлар ишлатилган, нарсалар ва ҳайвонлар билан боғлиқлари эса камроқ. Геометрик нақшларда гириҳ ўсимликсимонлари сирасида эса, аввало ўсимлик танаси ва новдаси устунлик қилади, гул ва мевалар сурати кам учрайди. Парзоқгул ўхшатмасининг сурати, нарсаларга оид мавзулар – пичоқлар, қурол, чолғу асбоблари ва тароқ кенг тарқалган. Ҳайвонот дунёсига доир мавзуларга келсак, қуш тумшуги, шох, балиқлар, илонизи тасвирлари устунлик касб этади. Уларнинг шакли кўзга аниқ ташланмай, кўпроқ геометрик шаклларни эслатади.

Мадир ва Каттабоғ кулолчилигидаги бўёқлар хилма-хиллиги зангори ёки феруза ранглари орқали белгиланган, бироқ уларнинг турфа туслари бор.

Р. Матчонов (Мадир) кўпроқ кобальт ишлатгани сабаб, унинг буюмларида тўқ кўк тус тез-тез учрайди. Уста С. Отажонов (Каттабоғ) эса кобальтдан кам фойдаланган, у кўпроқ оқ ангоб ишлатиб, бўёқларга ун қўшган ва бунинг натижасида унинг буюмларида оқиш ранглار устунлик қилади. Хоразм мактаби усталари безак беришда маълум барча услублар орасида мўйқаламда чизишни афзал кўришади<sup>4</sup>.

4 Мазкур мақолада «Танишув» («Contact») кўргазмаси ва Лейпцигдаги доимий кўргазмага илова қилинган матнлар парчаларидан фойдаланилди. Афсуски, ҳамкасбимиз шарқшунос Инге Зайверт бевакт вафот этди, унга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.



---

## THE SAXONIAN STATE COLLECTIONS OF ETHNOGRAPHY

*Marita Ando, Simone Jansen, researchers,  
the Saxonian State Collections of Ethnography*

The Saxonian State Collections of Ethnography (SES) were formed in 2004 from the three ethnological museums in Saxony – Leipzig, Dresden and Herrnhut. Since 2010 they have been part of the association of Dresden State Art Collections (SKD).

With a total of 300,000 ethnographic objects, the SES is the second largest collection of its kind in Germany.

Founded at the end of the 19<sup>th</sup> century, the three museums have had very different histories.

### Leipzig

In 1869 the “Leipziger Zeitung” newspaper published an appeal to citizens to contribute to the purchase of the cultural and historical collection of the Dresden Privy Councillor and Director of the Royal Library Gustav Friedrich Klemm. This appeal is now regarded as the founding document of the museum. This makes it one of Germany’s oldest ethnological museums. At the same time, it is considered the first museum collection of ethnology arranged to reflect the concept of universal history.

From 1873 to 1904, the collection was managed by the “Museum of Ethnology” association specially created for the purpose. Thanks to the generous donation of a Leipzig businessman, it was possible to incorporate it into a museum named after him in 1895. The location soon became too cramped for the museums situated there, and the city built a new building of the same name in 1925–1929, which still houses the Leipzig Museum of Ethnology and two other museums.

During the Second World War the museum lost one-fifth of the objects in its collections including some irreplaceable treasures.

Today, through its permanent exhibition and continually changing special exhibitions, it displays almost 4,000 square meters of art works and everyday items from around the world.



## **Dresden**

The oldest objects in the Dresden Museum of Ethnology come from the *Kunstkammer* (cabinet of curiosities) of Augustus I, Elector of Saxony. It was founded in 1560 and to some extent it planted the seeds of many of the museums that have been brought together today under the Dresden State Art Collections.

Augustus the Strong developed the *Kunstkammer* into a real collection of treasures. His predilection for splendor and everything Oriental was clearly mirrored in the collections. The Indian Chamber and Turkish Tent are evidence of this. Starting from the 18<sup>th</sup> century, collecting became increasingly systematic and proceeded according to scientific principles. The *Kunstkammer* was upgraded to the "Public Royal Collections" foundation. Special collections were developed that formed the basis for later museums. The Dresden Museum of Ethnology had its beginning in 1875 when an Ethnographic department was established in the Natural History Museum.

The Museum of Ethnology and the Museum of Zoology were divided only after World War II. Both were moved to the heart of Dresden in 1954, housed in the Japanese Palace which had only been minimally restored. The Museum of Ethnology continues to organize its exhibitions there although the building still awaits a complete refurbishment. Meanwhile the collections have been moved to modern depots in the borough of Klotzsche on the edge of town.

## **Herrnhut**

Founded in 1878, the Museum of Ethnography, Herrnhut is closely connected with the history of the Moravian Church (Herrnhut Brethren's Congregation) and its worldwide mission.

There is a reference to a cabinet of natural history at a theological seminar of the Moravian Church in Barby in 1758. However, it took another hundred years for a "Herrnhut Museum Association" and museum to be founded in this area.

After the Second World War, the museum passed first to the local authorities and ultimately was attached to the Dresden Museum of Ethnology in 1975.

## **The Uzbekistan collections**

All three museums have their own collection traditions corresponding to their different histories. The focus in Leipzig is more on ceramics, and in Dresden on textile products, while the small collection in Herrnhut includes only a few objects from Uzbekistan.



The collection inventories refer to a total of 582 objects, 444 in Leipzig, 116 in Dresden and 22 in Herrnhut. These include urban handicrafts pieces. In many cases all that is known is where they were acquired, for example Bukhara or Samarkand. One hundred of the 116 objects in Dresden are textiles, of which 25 are *suzanis*. The oldest were part of a donation in 1904. The latest addition is the Stahl donation comprising 68 objects in 2014.

Of the 444 objects kept in Leipzig, 223 are ceramic pieces including many dishes for rice pilaf and decorative wall plates, as well as figurative ceramics. The oldest object comes from the founding collection of Gustav Klemm. The majority of the pieces were originally purchased from the private collection of the Leipzig graphic artist and painter Gerd Thielemann.

### **The collectors**

The cultural historian and librarian Dr Gustav Klemm (12 November 1802–26 August 1867), who assembled the Leipzig Museum's founding collection, dreamed his entire life of a museum of the cultural history of mankind. His collection of nearly 15,000 objects was put together with this aim in mind.

Among the pieces in his collection there was one item whose origin is given as Bukhara. It is a leather case for a drinking bowl.

Friedrich Emil Dukmeyer (3 January 1864–2 April 1930), born in the Baltic States, took his senior teacher's exam in Petersburg and, after a short stint at the Russian Consulate General in Berlin, worked as a secondary school teacher in Tashkent from 1894 to 1900. Later he went to Munich and Berlin where he studied literature and art history and was employed as advisor in various libraries. Extensive travels took him to Turkey, Greece, Italy and the Caucasus. The objects donated to the Museum of Ethnography in Leipzig come definitely from his time in Tashkent.

In the course of the so-called "rearrangement of museum collections" that took place in the GDR, various jewelry pieces whose provenance was listed as Russia were transferred in 1954 from the Halle State Museum for Pre- and Early History to the Leipzig Museum. During the process of redesigning the permanent exhibition in 1984, these pieces attracted the attention of the relevant scholarly expert and could be identified as coming from the Central Asian cities of Bukhara, Tashkent and Samarkand. Unfortunately, nothing is known about the people who collected them or the artists who made them.

Staff members naturally also contributed to expanding the collection whenever they traveled, such as Inge Seiwert, who passed away tragically



*Этнология музейи, Хернхут.*

*Музей этнологии, Хернхут.*

*Museum of Ethnology,  
Herrnhut.*

early in 2006, her husband Dr Wolf-Dieter Seiwert, and the museum's former director Dr Lothar Stein.

Most of the Uzbekistan collection as it exists today was put together by the Leipzig painter Gerd Thielemann. While studying graphic arts at the Institute in Leningrad named after Repin from 1952 to 1957 he developed an interest in the traditional folk art of the various peoples of the Soviet Union. As an collector, he directed his attention particularly to the aesthetic quality and originality of their shapes and decorations. The focus of his collecting was ceramic products, both pottery containers and figurative representations – especially lovingly depicted scenes from everyday life. There are men drinking tea, women embroidering, horse riders and potters, as well as figures from fairy tales and legends such as dragons or the ever-popular Hoja Nasreddin. He systematically built up his collection for 40 years. He always kept abreast of scholarly publications as he did so, and prepared himself thoroughly before each of his trips. As a result the collection is outstanding in terms of its historical depth and complexity, the range of artistic techniques it displays, and its regional comprehensiveness. He visited the large art emporiums in all of the capital cities where he purchased objects that were on display at major exhibitions. His special passion for them led him to visit the artisans themselves. Repeated contact with artisans – even when their workshops were located in far remote villages – was something very important to him. He traveled a number of times to Uzbekistan, where he always found work of superlative quality.



The Leipzig Museum acquired his collection in stages starting in 1993. Even then his passion for collecting did not stop.

After the reconstruction of the Grassi building in 2001–2005, a new permanent exhibition was planned. In the meantime an original Uzbek tea room had been added to the museum's collection. It came from the "Association for German-Soviet Friendship," a propaganda organization of the former GDR that had been dissolved in 1990. For many years this tea room had been in the "House of German-Soviet Friendship" in Leipzig. After its dissolution, the organization searched for a new home for this interior and found the Leipzig Museum of Ethnology. Fully ten years later the tearoom became the centerpiece of an exhibition area on Central Asia. As there were still significant parts of the décor missing, the museum turned to the Uzbek Embassy in Berlin for help. The result was a donation of over 150 items for the tearoom and for inclusion in the collection.

The oldest pieces in the Dresden Museum of Ethnology are part of a donation dating to 1904. Willi Rickmers (1873–1965), the son of a wealthy Hanseatic merchant family, was financially independent and indulged in the hobby of mountain climbing, which led him to the Caucasus, Central Asia and the Pamirs. In the course of his travels to Central Asia in 1894–98 he bought nearly 800 objects, including excellent *suzanis* and carpets. In the following years several German museums became the beneficiaries of his donations. Hence most of the Central Asia collection in the Berlin Museum of Ethnology (now named the Ethnological Museum) goes back to Rickmers. He also donated some very beautiful pieces to the Dresden Museum of Ethnology. All together there were 58 objects from Bukhara, the Caucasus and Persia. Thirty-six of these are still in the museum's collection today.

His attempts to establish himself in business in Central Asia, for example by acquiring gold mining rights, were unsuccessful. In 1906 he redirected his activity to winter sports in Germany and the nascent tourism industry. In 1928 he took part in an expedition once more, the "German-Russian Alai-Pamir Expedition". Little is known about his later life from about 1935 until his death in 1965.

Gertrude Rennhard (1916–2010) worked for many years as a secretary in the Swiss Foreign Ministry, then in the Swiss Embassy in Rome, and from 1962 in the Swiss Embassy in Tehran. After her retirement, she moved to Küstnacht on Lake Zurich. In addition to her interest in the culture of the people where she served, she also made many long-distance trips to various parts of the globe, including Uzbekistan in the period 1962–1976. She was a collector with wide academic and ethnographic interests, a

genuine connoisseur of arts and antiques. Some objects were donated to the Dresden Museum of Ethnology during her lifetime; others came into the museum's possession in 2011 as a bequest from her estate.

Prof. Dr Siegfried Stahl's (1920–2014) passion for collecting began quite late in life, in 1994 with Peruvian textile fragments. At first he had a special interest in Africa before turning to Anatolia, Afghanistan and Central Asia. His heirs donated his extensive textile and carpet collection to the Dresden Museum of Ethnology in 2014–15.

A special feature of the Leipzig Museum of Ethnology is the jewelry collection of the Bir Endowment housed in the museum. Ümit Bir was a native of Wolfsburg, a doctor with Turkish roots, who felt especially committed as a collector to the interchange between East and West. His collection was presented to the museum as a permanent loan and contains 28 Uzbek jewelry pieces among other things.

### **Examples of the structure of the collection**

The museums have endeavored to finance expeditions and collecting trips whenever possible, but there has always been a shortage of money for those purposes. The greater part of the holdings has therefore been due to private collectors.

Under these circumstances the museum collections have developed somewhat randomly, depending on what collectors offered, their individual interests and inclinations. That said, this resulted in a colorful mosaic of regional and special collections which reflect very different areas of life, and perhaps for that very reason are revealing.

The small collection of miscellaneous skullcaps came into being quite by chance in this way.

Originally every Uzbek household used metal vessels. Their importance sharply declined with the influx of industrial products made of enamel, aluminum and plastic. The art of producing metal vessels was carried on particularly in Bukhara, Samarkand and Khiva, where the Uzbek copper- and brass-smithing centers were located in the 19<sup>th</sup> century.

The State Collections of Ethnography include typical water containers (*oftoba*) for ritual ablutions before prayers or for washing hands before meals, and handwashing basins (*dastshuy*) with perforated bases to collect the water after washing.

Objects in the Museum of Ethnology, Herrnhut come mostly from missionaries of the Moravian Church. Since it had no mission stations in Central Asia, the few pieces stored in the museum were probably tourist souvenirs that randomly came into its possession.



The manufacture of jewelry was also widespread in these centers. As they served the common taste of their customers, artisans produced jewelry for all social and ethnic groups in Central Asia.

The collections even include tobacco holders made of dried gourds (*noskadu*) and mundane items of everyday life such as a metro token, bank notes and coins.

Part of the Thielemann collection is a baby's cradle made in 1975 by the Bukharan artisan Mansurov in the traditional style with a bow and an axe. Since Europeans are unfamiliar with eastern cradles with their special provisions for hygiene, the tubules inserted for urinating are regularly assumed by tourists to be pipes and purchased as such in the bazaars. Some gifts entered the museum's collections towards the end of the 19<sup>th</sup> century under this guise as well.

### **Colorful Central Asian textiles – a celebration of the senses**

The textile culture of the Central Asian oasis cities was always characterized by the contrast between sedentary oasis dwellers and nomadic livestock breeders, with ethnic divisions never playing more than a minor role. Uzbeks, Tajiks, Kyrgyz, Turkmen, Kazakhs and Bukharan Jews all contributed to the region's textile culture, as their traditions mutually enriched one other.

The urban upper classes, such as civil servants, tradespeople and craftsmen liked to display their rank and wealth not so much with jewelry but by means of luxurious textiles such as *suzanis* and *ikat*, and particularly luxury silk coats. At festivities, textiles were used not only as magnificent garments for horse riders and spectators, but also as saddlecloths and horse blankets. There are some examples of these in the collections.

### **Decorative textiles – suzanis**

A special place in Uzbek textile culture is occupied by large embroideries, particularly the *suzanis*. The name covers a variety of textiles differing greatly in size and purpose, but the most common kinds are large decorative pieces that usually served as wall hangings or coverings for the bridal bed.

In the words of the catalogue the 1995 exhibition Uzbekistan: Heirs to the Silk Road: "The large silk embroideries we know under the collective term '*suzani*' should undoubtedly be ranked among the most beautiful examples of traditional Turkestani culture that have come down to us [...] As a form of textile decoration, embroidery was accorded great

Стремление к систематическому пополнению коллекции привело к еще одной экспедиции в Иран, Афганистан и Пакистан (25 апреля – 10 августа 1978 г.) под руководством Кальтера. В Северном Афганистане основное внимание он уделял приобретению объектов, которые представляли культуру кочевых туркмен. Там же было закуплено несколько изделий, связываемых с узбеками. Однако надо заметить, что реальное происхождение предметов, закупленных на Кабульском базаре, все же остается спорным<sup>6</sup>. Например, украшенные вышивкой детали одежды описываются как изготовленные «туркменами или узбеками» (инв. № А 34867). Однако другие схожие

5 Kalter 1981.

6 Kalter, 1980: 51.



объекты числятся как «туркменские». Подобные противоречивые данные связаны и с предметами, приобретенными в районе населенного пункта Акча, где проживали в основном туркмены. О детских нагрудниках, привезенных из Северного Афганистана, Й. Кальтер осторожно пишет, что они могли быть изготовлены либо туркменами, либо узбеками-лакайцами, или же мы имеем дело с использованием обоих стилей<sup>7</sup>. Он осознавал, что абсолютно точное определение этнической принадлежности предметов материальной культуры является проблематичным.

### Великолепие или подлинность: одежда

Два предмета одежды с территории современного Узбекистана, полученные в дар в конце 1970-х – начале 1980-х гг., являются одними из наиболее значимых с научной точки зрения текстильных приобретений музея. Это *чапан* (инв. № А 34417, илл. 3) с тибетейкой и бархатная мужская тибетейка с золотной вышивкой, подаренные музеем Максом Шпайделем в 1977–78 гг. Согласно документам, они были приобретены отцом предыдущего владельца примерно в 1910 г. в Самарканде. Еще один объект – халат из шелковой *абровой* ткани с шелковой подкладкой, приобретенный Паулем Кентманом<sup>8</sup> в Самарканде в 1917 г. и переданный музеем в 1981 г. (инв. № А 36814, илл. 4). Таким образом, эти халаты и головные уборы безоговорочно связываются с Самаркандом. Научное значение этого факта трудно переоценить, особенно если сравнивать с другими текстильными предметами, о происхождении которых можно лишь догадываться. Халат под инвентарным номером А 34417 публиковался несколько раз: кроме каталогов музея (1983, 1995), его публиковала Н. Содикова<sup>9</sup>. Другие халаты музей приобрел у германских дилеров, например, халат под номером А 32611 (илл. 5).

Одежда и украшения приобретались целенаправленно, для возможных презентаций, к примеру, «Из степи и оазиса» Й. Кальтера (1983). В 1970–80-х гг. Й. Кальтер собрал богатую коллекцию туркменских ювелирных изделий, которая представлена в постоянной экспозиции Отдела Востока<sup>10</sup>. Одновременно музей приобретал и «городские» украшения. Так, в экспозиции и в каталоге «Из степи и оазиса» были представлены свадебный венец, возможно из Самарканда<sup>11</sup>, серебряные ювелирные изделия из Хивы, включая ювелирный ансамбль с серьгами, нагрудным украшением, амулетницей, украшением для волос (серебро, позолота, бирюза и стеклянные вставки)<sup>12</sup>, несколько работ, приписанных «бухарским серебряным дел мастерам»<sup>13</sup>, а также другие ушные и височные украшения из городов Туркестана<sup>14</sup>. Однако многие из объектов, приобретенные в то время через Афганистан, были под вопросом, и в первую очередь это касалось их атрибуции.

7 Kalter 1983: 102f. О детских нагрудниках из Афганистана, ср. также Zernickel 1986.

8 Автор книги "Der Kaukasus. Hundertfünfzig Jahre russische Herrschaft" («Кавказ. Сто пятьдесят лет русского владычества»), Leipzig, 1943.

9 Но без ссылки на Музей имени Линдена, Sodikova 2006: 29.

10 Среди предметов коллекции также много смешанных предметов (ювелирные изделия / текстиль).

11 Kalter 1983: 113 (Abb. 104).

12 Kalter 1983: 114f. (Abb. 106f.). Ср. также амулеты и футляры для амулетов из Хивы и Самарканда, Kalter 1983: 133 (Abb. 126).

13 Kalter 1983: 123f. (Abb. 115).

14 Цветные изображения: Kalter 1983: 124f. (Abb. 117), 128f. (Abb. 121).

## **Сокровища Шелкового пути – исторические свидетельства**

Благодаря доступу к средствам государственных художественных фондов поступление ценных по уровню исполнения объектов постоянно увеличивалось. Так, в связи со спросом и предложениями на международном художественном рынке были приобретены изделия художественного металла и керамика из Хорасана и Мавераннахра. Критерием отбора, очевидно, была возможность их экспонирования. Таким образом, коллекция Востока приобрела всемирное значение и даже стала ведущей по некоторым направлениям (металл Хорасана). Однако происхождение многих вещей все же оставалось предположительным.

### **Архитектурный декор**

К числу замечательных образцов архитектурного декора относится плитка с резным декором и монохромной зеленой глазурью (илл. 6), предположительно из Самарканда, которая была приобретена у одного из арт-дилеров. Другие плитки из музейной коллекции относятся к эпохе Темуридов. Некоторые объекты из дерева (ставень и несколько дверей) атрибутируются как «Средняя Азия» (XIII–XX вв.), однако более точная информация об их происхождении отсутствует (илл. 7).

### **Керамика**

Несколько керамических изделий из музейной коллекции были куплены у торговцев антиквариатом, другие поступали как дары. Предполагается, что они были изготовлены в Афрасиабе (Самарканд). Данные о происхождении предметов в документацию музея зачастую вносились под знаком вопроса или с указанием возможного альтернативного места происхождения, например, «Нишапур или Афрасиаб». Особенно это касалось керамики с эпиграфическим декором (илл. 8, 9).

Одним из интересных типов керамики IX–XII вв., которая представлена в Музее, являются неглазурованные сосуды со штампованным декором, возможно, из Северного Афганистана или Средней Азии, а также лепная расписная керамика. Их ассортимент разнообразен – от простых объектов до искусно украшенных сосудов, принцип декора которых напоминает изделия торевтики<sup>15</sup>.

### **Художественный металл**

Предметы из металла в коллекции музея, как и керамика, до сих пор были изучены лишь частично. Интерес к ним привел к исследовательским проектам Бамбергского университета, Музея исламского искусства

15 Kalter/Pavaloi 1995: 140f.



в Берлине и Музея имени Линдена «Хорасан – земля восхода солнца: культурный ландшафт как ключевой регион формирования материальной культуры исламского мира и его место в коллекциях и музейных презентациях», конечно, при финансовой поддержке Федерального министерства образования и исследований (2014–17 гг.). Благодаря этому проекту Музей имени Линдена получил возможность работать прежде всего с металлическими изделиями Хорасана домонгольского периода. В частности, сотрудниками музея изучались изделия, выполненные в прорезной технике (илл. 10) и технике чеканки с оборота.

Музей располагает также небольшим количеством среднеазиатских металлических изделий более поздних веков, прежде всего это сосуды из луженой меди (XVII–XIX вв.). Первые из них поступили в музей с коллекцией Рикмерса. К этому же времени относятся несколько образцов серебряной посуды с бирюзовыми вставками. Подобную посуду, очевидно, использовали в семьях высокопоставленных лиц. Представленное в альбоме блюдо – превосходный экземпляр, характеризующий эти роскошные объекты (илл. 11).

В коллекции музея имеются серебряная шкатулка с инкрустацией бирюзой и эмалью, датированная началом XX в., и уздечка, оформленная в том же стиле. Эти и другие объекты демонстрируют великолепие прикладного искусства Бухарского эмирата.

### Искусство рукописной книги

В 1990-е гг. Й. Кальтеру удалось значительно расширить коллекцию, связанную с искусством книги. Это имело очень важное значение, учитывая широкий культурно-исторический, коллекционный и выставочный потенциал книги как объекта искусства. При приобретении одной большой коллекции, преимущественно персидского происхождения, Кальтер советовался с проф. Аннемари Шиммель. Она стала другом Музея имени Линдена и завещала ему всю свою коллекцию каллиграфии, которая поступила в музей в 2003 г. Коллекция включает в себя предметы, начиная от ранних листов Корана на пергаменте до каллиграфии конца XX в. Одна из жемчужин коллекции – лист из *дивана* Султана Хусейна Байкары (илл. 12).

### «Открытие» Узбекистана

Начиная с 1980-х гг. Й. Кальтер сосредоточил внимание на более ранних объектах исламского искусства. Одним из основных направлений собирательства были Хорасан и Мавераннахр. Новая постоянная Восточная экспозиция была разработана как всеобъемлющая культурно-историче-

ская презентация этих регионов. Кульминацией усилий по приобретению новых объектов стала специальная выставка «Сады Ислама» (1993), где наряду с прочими демонстрировались многочисленные объекты из среднеазиатского региона. Почти параллельно открытию этой выставки возникла идея о более полной презентации собственно Средней Азии и ее материальной культуры.

Со второй половины 1980-х гг. для Средней Азии начинается новый, переходный период. После распада Союза независимый Узбекистан, его экономический и туристический потенциал привлекал к себе все большее внимание. Так возникла идея выставки с акцентом на Великий шелковый путь, реализация которой во многом стала возможной благодаря интересу и поддержке со стороны компании Daimler-Benz AG<sup>16</sup>. Идейную поддержку выставке в рамках собственных проектов «Шелковый путь» и «Фестиваль Шелкового пути» оказала ЮНЕСКО.

Выставка была подготовлена в течение удивительно короткого периода 1994–95 гг. Она стала одним из ключевых проектов в намечающихся отношениях между Германией и независимым Узбекистаном. В состав экспозиции были включены ценные экспонаты из музейных коллекций Узбекистана, предоставленные во временное пользование и относящиеся ко времени между III в. до н.э. и XX в.

Возможность создать масштабную выставку с изданием развернутого каталога благодаря щедрой финансовой поддержке вызвала желание главы Отдела Востока укрепить коллекцию.

В начале 1990-х гг. этнологическая коллекция Центральной Азии считалась в основном завершенной. Она строилась на упрощенном противопоставлении «кочевой» и «городской» культур. Но при ближайшем рассмотрении стало ясно, что региональные стили достойны более детального изучения и презентации. В результате выставка, посвященная Узбекистану как «новой для познания» страны, сконцентрировала свое внимание как на ее провинциях, так и на городских центрах. По этой причине в 1994–95 гг. Й. Кальтер приобрел свыше 100 новых предметов для коллекции. Благодаря, по выражению Й. Кальтера, некоторым «ярким бликам» репрезентативное собрание этнологической коллекции можно было считать окончательно завершенным<sup>17</sup>.

Большинство новоприобретенных музейных объектов представляли собой образцы текстиля, например, впечатляющие *сузани* из разных регионов Узбекистана (илл. 13) или мужские халаты, один из которых опубликован как рис. 478 в каталоге «Наследники Шелкового пути – Узбекистан» (илл. 14). Великолепный дизайн последнего предполагает, что он был создан в бухарской придворной мастерской. Изображение из этого

16 Ср. также Krämer 2017.

17 Предложение о приобретении, 1995 год, без точной даты, с прилагаемой запиской Секретариата от 10.08.95 о предполагаемой дате платежа. Папка «Узбекистан», архив Музея имени Линдена.



каталога также было воспроизведено Н. Содиковой<sup>18</sup>, что говорит об уникальности данного халата.

Для выставки были приобретены также металлические, деревянные, керамические и ювелирные предметы (илл. 16).

Выставка «Наследники Шелкового пути – Узбекистан» проходила с 16.11.1995 по 12.05.1996 гг. в Штутгарте. Затем она была перенесена в Берлин (12.07.1996–01.12.1996 г.) и Роттердам (14.02.1997–10.08.1997 г.). Каталог выставки, изданный на немецком, английском и русском языках, стал полезным пособием по истории и культуре как Узбекистана, так и всего среднеазиатского региона.

Несколько лет спустя, летом 2002 г., в музее была организована еще одна небольшая выставка «Узбекистан – традиционное и современное художественное ремесло». Постоянная экспозиция Отдела Востока в музее представляет собой собрание множества объектов из Средней Азии в тематическом контексте. К примеру, это ранние шедевры, прежде всего художественный металл Хорасана и Мавераннахра. Что касается настоящего или недавнего прошлого, оно представлено в реконструкции базара из Северного Афганистана, на котором показаны вышитые тюбетейки (*до'ппи*) различных северных афганских групп и резные колыбели (*бе-шик*).

Несмотря на огромное значение Музея имени Линдена как хранилища большой коллекции и организатора многих выставок, посвященных Средней Азии, не стоит забывать, что, хотя многочисленные объекты музея и были опубликованы в качестве образцовых произведений, исследования по этим предметам, а, следовательно, и научно обоснованные знания о них, по большому счету, отсутствуют. Информация, содержащаяся в публикациях, должна рассматриваться только как предварительная, ибо существует риск того, что отдельные объекты вместе с опубликованной о них информацией будут без должного критического анализа включены в другие источники.

Для современной музейной работы на международном уровне профессиональный обмен мнениями по имеющимся объектам, например, как это было в контексте проекта «Хорасан», имеет первостепенное значение. Не менее важно и сотрудничество по вопросам будущих приобретений, в том числе для документирования современной культуры. Коллекционирование остается одной из основных задач для музеев. «Совместное коллекционирование» в сотрудничестве с сообществами, из среды которых происходят коллекционные объекты<sup>19</sup>, представляется увлекательной возможностью и смыслом музейной работы как для Германии, так и для Узбекистана.

<sup>18</sup> Sodikova 2006: 10.

<sup>19</sup> Согласно Кодексу музейной этики ИКОМ (Принцип № 6). ICOM 2013: 10.



Инв. № 044892 (1-расм)

**Эгар**

Бухоро (?). 1890 йиллар.

Ёғоч, локланган нақш,  
суякли қадама нақш.

Узунлиги — 47 см.

Рикмерс тўплами.

Фото: Линден номидаги музей, У. Дидони.

Inv. No. 044892 (ill. 1)

**Saddle**

Bukhara (?). 1890s.

Wood, lacquer painting,  
bone inlay.

Length — 47 cm.

Rickmers Collection.

Photo: Linden-Museum, U. Didoni.

Инв. № 044892 (илл. 1)

**Седло**

Бухара (?). 1890-е гг.

Дерево, лаковая роспись,  
инкрустация костью.

Длина — 47 см.

Коллекция Рикмерса.

Фото: Музей имени Линдена, У. Дидони.





Инв. № L2736 (2-расм)

### **Сегуша**

Бўғжомани безатиш учун тикилган  
кашталар.

Афғонистон. Ўзбеклар (лақайлар?). XX аср  
бошлари.

Фото: Линден номидаги музей, У. Дидони.

Inv. No. L2736 (ill. 2)

### **Segusha**

Embroidered panels for the decor of the  
*bughdjoma* cover.

Afghanistan. Uzbek (Lakai?).  
Early 20<sup>th</sup> century.

Photo: Linden-Museum, U. Didoni.

Инв. № L2736 (илл. 2)

### **Сегуша**

Вышитые детали для декора покрывала  
*бугджома*.

Афганистан. Узбеки (лакай?).  
Начало XX в.

Фото: Музей имени Линдена, У. Дидони.





Инв. №. А 34417 (3-расм)  
**Эркаклар чопони**  
 Самарқанд. XX аср бошлари.  
 Пахта.  
 Эни — 210 см.  
 Бўйи — 149 см.  
 Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. А 34417 (ill. 3)  
**Man's robe**  
 Samarkand. Early 20<sup>th</sup> century.  
 Cotton.  
 Width — 210 cm.  
 Length — 149 cm.  
 Photo: Linden-Museum.

Инв. №. А 34417 (илл. 3)  
**Мужской халат**  
 Самарканд. Начало XX в.  
 Хлопок.  
 Ширина — 210 см.  
 Длина — 149 см.  
 Фото: Музей имени Линдена.





Инв. №. А 36814 (4-расм)

**Эркаклар чопони**

Самарқанд. XX аср бошлари.

Усти — абрли ипак.

Астари — шойи.

Кентман тўплами.

Фото: Линден номидаги музей,

У. Дидони.

Inv. No. A 36814 (ill. 4)

**Man's robe**

Samarkand. Early 20<sup>th</sup> century.

Top — *ikat* fabric.

Lining — silk.

Kentmann Collection.

Photo: Linden-Museum,

U. Didoni.

Инв. №. А 36814 (илл. 4)

**Мужской халат**

Самарқанд. Начало XX в.

Верх — абровый шелк.

Подкладка — шелк.

Коллекция Кентмана.

Фото: Музей имени Линдена,

У. Дидони.





Инв. №. А 32611 (5-рasm)

**Эркаклар чопони**

Бухоро (?). Тахминан 1900 й.

Усти — зарбоф, ипак.

Астари — абрли шойи, жияк.

Эни — 194 см.

Бўйи — 132 см.

Фото: Линден номидаги музей,  
А. Драйер.

Inv. No. A 32611 (ill. 5)

**Man's robe**

Bukhara (?). around 1900.

Top — old cloth, silk.

Lining — ikat fabric, inkle.

Width — 194 cm.

Length — 132 cm.

Photo: Linden-Museum,  
A. Dreyer.

Инв. №. А 32611 (илл. 5)

**Мужской халат**

Бухара (?). Около 1900 г.

Верх — золотая парча, шелк.


Подкладка — абровый шелк, тесьма.

Ширина — 194 см.

Длина — 132 см.

Фото: Музей имени Линдена,  
А. Драйер.





Инв. №. А 35957 L (6-расм)

**Кошин**

Самарқанд. XII–XIII асрлар.

Сопол, бир тусли яшил сир,  
ўйма безак.

Эни – 20 см.

Баландлиги – 19 см.

Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. A 35957 L (ill. 6)

**Tile**

Samarkand. 12<sup>th</sup>–13<sup>th</sup> centuries.

Ceramic, monochrome green glaze, carved  
decor.

Width – 20 cm.

Height – 19 cm.

Photo: Linden-Museum.

Инв. №. А 35957 L (илл. 6)

**Изразец**

Самарқанд. XII–XIII вв.


Керамика, монокромная зеленая  
глазурь, резной декор.

Ширина – 20 см.

Высота – 19 см.

Фото: Музей имени Линдена.





Инв. №. А 35094 а-ф (7-расм)

**Икки тавақали эшик**

Шимолий Афғонистон. XIX аср охири — XX аср бошлари.

Маълумотларга кўра, бу эшик ўзбекларнинг уйдан олинган.

Ёғоч, ўйма нақш, темир.

Эни — 76 см.

Баландлиги — 175 см.

Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. A 35094 a-f (ill. 7)

**Door with double folding leaves**

North Afghanistan. Late 19<sup>th</sup> — early 20<sup>th</sup> centuries.

According to the inventory data, the door was part of an Uzbek house.

Wood, carving, iron.

Width — 76 cm.

Height — 175 cm.

Photo: Linden-Museum.

Инв. №. А 35094 а-ф (илл. 7)

**Дверь с двойными складными створками**

Северный Афганистан. Конец XIX — начало XX вв.

Согласно данным, дверь происходит из узбекского жилого дома.

Дерево, резьба, железо.

Ширина — 76 см.

Высота — 175 см.

Фото: Музей имени Линдена.





Инв. №. VL A 2471 (8-расм)  
**Товус тасвири туширилган идиш**  
 Афросиёб (?). X аср.  
 Лой, оқ ангоб, нақш.  
 Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. VL A 2471 (ill. 8)  
**Bowl with a picture of a peacock**  
 Afrasiab (?). 10<sup>th</sup> century.  
 Clay, white engobe, painting.  
 Photo: Linden-Museum.

Инв. №. VL A 2471 (илл. 8)  
**Чаша с изображением павлина**  
 Афрасиаб (?). X в.  
 Глина, белый ангоб, роспись.  
 Фото: Музей имени Линдена.

Инв. №. A 31533, VL A 1635/4 (9-расм)  
**Идишлар**

Нишопур ёки Афросиёб (?). X–XI асрлар.  
 Лой, оқ ангоб, нақш, сир. Гуллаётган куфий (?) шаклидаги  
 эпиграфик безак, шунингдек, эпиграфиксимон безак,  
 марганецли-жигарранг сирланган нақш.  
 Диаметри – 21,5 см. дан 26 см. гача.  
 Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. A 31533, VL A 1635/4 (ill. 9)  
**Bowls**

Nishapur or Afrasiab (?). 10<sup>th</sup> – 11<sup>th</sup> centuries.  
 Clay, white engobe, painting, glaze. Epigraphic decor in the form  
 of flowering *Kufi*, as well as pseudoepigraphic decor, manganese-  
 brown underglaze painting.  
 Diameter – from 21.5 to 26 cm.  
 Photo: Linden-Museum.

Инв. №. A 31533, VL A 1635/4 (илл. 9)  
**Чаши**

Нишапур или Афрасиаб (?). X–XI в.  
 Глина, белый ангоб, роспись, глазурь. Эпиграфический декор  
 в виде цветущего *куфи*, а также псевдоэпиграфический декор,  
 марганцево-коричневая подглазурная роспись.  
 Диаметр – от 21,5 до 26 см.  
 Фото: Музей имени Линдена.







Инв. №. А 41251 L  
(а + b) (10-расм)

**Мойчиروق  
ва чироқдон**

Хуросон ёки  
Мовароуннахр. XI аср.  
Эҳтимол, мойчиروق ва  
курсилар бир-биридан  
алохида ясалган.  
Мис қотишмаси,  
қуйма, тўр, ўйма  
нақш.  
Баландлиги – 110 см.  
Фото: Линден номидаги  
музей, А. Драйер.

Inv. No. A 41251 L  
(a + b) (ill. 10)

**Oil lamp stand  
and lamp**

Khurasan or Transoxiana.  
10<sup>th</sup> century. It is possible  
that the lamp and  
the stand were made  
separately from each  
other.  
Copper-alloy, casting,  
lace work, engraving.  
Height – 110 cm.  
Photo: Linden-Museum,  
A. Dreyer.


Инв. №. А 41251 L  
(а + b) (илл. 10)

**Масляный светильник  
и подставка под него**

Хорасан или  
Мавераннахр. XI в.  
Возможно, что  
светильник и подставка  
были сделаны отдельно  
друг от друга.  
Медный сплав, литьё,  
ажур, гравировка.  
Высота – 110 см.  
Фото: Музей имени  
Линдена, А. Драйер.







Инв. №. А 70071 L (11-расм)

**Феруза билан қадама нақш солинган  
кумуш идиш**

Бухоро (?). XVIII аср охири — XIX аср бошлари. Идиш марказига атиргул тасвири туширилган. Тўртта гулбарг дунёнинг тўртта тарафини ва дунё яралишининг тўрт унсурини билдиради. Бу «шамол атиргули» ичидаги кичик нилуфар худуднинг буддавийлик аъёналарига тегишли хисобланади. Диаметри — 26 см.

Фото: Линден номидаги музей,  
А. Драйер.

Inv. No. A 70071 L (ill. 11)

**Silver dish with turquoise inlay**

Bukhara (?). Late 18<sup>th</sup> — early 19<sup>th</sup> centuries. In the center of the dish is depicted a rose. Its four petals symbolize the four sides of the world and the four elements of the universe. A small lotus inside this “wind rose” refers to the Buddhist tradition of the region.

Diameter — 26 cm.

Photo: Linden-Museum,  
A. Dreyer.

Инв. №. А 70071 L (илл. 11)

**Серебряное блюдо с инкрустацией  
бирюзой**

Бухара (?). Конец XVIII — начало XIX вв. В центре блюда изображена роза. Ее четыре лепестка символизируют четыре стороны света и четыре стихии мироздания. Маленький лотос внутри этой «розы ветров» относится к буддийской традиции региона. Диаметр — 26 см.

Фото: Музей имени Линдена,  
А. Драйер.









Инв. №. L 4545/0007 (12-расм)

**Хусайн Бойқаро девонининг алоҳида саҳифаси**

Ҳирот (?). 1500 йиллар.

Настаълиқ хати, қитъа санъати.

Қалин қоғоз.

Варақ ўлчами – 23,5×15,2 см.

Матн соҳаси – 12,7×7,1 см.

Шиммель тўплами.

Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. L 4545/0007 (ill. 12)

**A separate folio from the Divan of Sultan Husayn Bayqara**

Herat (?). Around 1500.

Nasta'liq script, qit'a technique.

Cardboard.

Folio – 23.5×15.2 cm.

Text Area – 12.7×7.1 cm.

Schimmel collection.

Photo: Linden-Museum.

Инв. №. L 4545/0007 (илл. 12)

**Отдельный лист из Дивана Хусейна Байкары**

Герат (?). Около 1500.

Шрифт насталик, техника кит'а.

Картон.

Лист – 23,5×15,2 см.

Область текста – 12,7×7,1 см.

Коллекция Шиммель.

Фото: Музей имени Линдена.





Инв. №. А 41700 L (13-расм)

### **Сузана**

Фарғона. XIX аср охири.  
Асоси — ипак.  
Каштаси — ипак, жун ип.  
Ҳошияси — ип газлама мато.  
Эни — 178 см.  
Узунлиги — 226 см.  
Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. A 41700 L (ill. 13)

### **Suzani**

Fergana. Late 19<sup>th</sup> century.  
Base — silk.  
Embroidery — silk, wool.  
Framing — cotton fabric.  
Width — 178 cm.  
Length — 226 cm.  
Photo: Linden-Museum.

Инв. №. А 41700 L (илл. 13)

### **Сузани**

Ферғана. Конец XIX в.  
Основа — шелк.  
Вышивка — шелк, шерсть.  
Обрамление — хлопчатобумажная ткань.  
Ширина — 178 см.  
Длина — 226 см.  
Фото: Музей имени Линдена.





Инв. №. VL 96/39 (14-расм)

**Эркаklar чопони**

Бухоро. XIX аср охири.

Пальметтали ўсган шохлар кўринишидаги йирик безак сўнгги усмонийлар давридаги ишга ўхшайди. Бухоро Усмонийлар салтанати билан яхши муносабатда бўлган.

Усти — шойи бахмал, зардўзи.

Астари — абрли шойи.

Эни — 203 см.

Бўйи — 136 см.

Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. VL 96/39 (ill. 14)

**Man's robe**

Bukhara. Late 19<sup>th</sup> century.

A large ornament in the form of a scrolled branch with palmettes is similar to late Ottoman work.

The Bukhara court maintained close relations with the Ottoman court.

Top — silk velvet, gold embroidery.

Lining — ikat fabric.

Width — 203 cm.

Length — 136 cm.

Photo: Linden-Museum.

Инв. №. VL 96/39 (илл. 14)

**Мужской халат**

Бухара. Конец XIX в.

Крупный орнамент в виде вьющейся ветви с пальметтами похож на позднеосманскую работу. Двор Бухары поддерживал тесные отношения с османским двором.

Верх — шелковый бархат, золотное шитье.

Подкладка — абровый шелк.

Ширина — 203 см.

Длина — 136 см.

Фото: Музей имени Линдена.



---

Инв. №. А 32993 (15-расм)

**Эркаклар чопони**

Афғонистон. Ўзбеклар. XX аср бошлари.  
Абрли шойи.

Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. A 32993 (ill. 15)

**Man's robe**

Afghanistan. Uzbek. Early 20<sup>th</sup> century.  
Ikat fabric.

Photo: Linden-Museum.

Инв. №. А 32993 (илл. 15)

**Мужской халат**

Афганистан. Узбеки. Начало XX в.  
Абровый шелк.

Фото: Музей имени Линдена.







Инв. №. А 41706–8 L (16-расм)

### **Билагузуклар**

Бухоро. 1880 йиллар.

Чапда – кумуш, қисман зарҳал,  
панжарасимон ўйма нақш.

Ўртада – кумуш, атрофи тошчалар билан  
безатилган V шаклидаги қаторлар, илгаги  
сирланган.

Ўнгда – кумуш, ўйма нақш, эмаль.

Эни – 2,8–4,5 см.

Диаметри – 6–6,6 см.

Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. A 41706–8 L (ill. 16)

### **Bracelets**

Bukhara. 1880s.

(Left to right)

Silver, partly fire-gilt,  
openwork.

Silver, V-shaped design  
between astragals, enamelled clasp.

Enamelled and openwork silver.

Width – 2.8–4.5 cm.

Diameter – 6–6.6 cm.

Photo: Linden-Museum.

Инв. №. А 41706–8 L (илл. 16)

### **Браслеты**

Бухара. 1880-е гг.

Слева – серебро, частичная позолота,  
ажурная резьба.

В середине – серебро, обрамленные  
полоской с зернью V-образные звенья,  
пластинка-застежка покрыта эмалью.

Справа – серебро, ажурная резьба,  
эмаль.

Ширина – 2,8–4,5 см.

Диаметр – 6–6,6 см.

Фото: Музей имени Линдена.









Инв. №. А 34590 Л (17-расм)  
**Тиллақош (келин тожи)**  
 Самарқанд. XIX аср охири.  
 Кумуш, зарҳал, филигрань,  
 ўйма нақш, феруза, тагига зар қоғоз  
 қўйилган шиша, марварид, кизил ва  
 бинафша бахмал.  
 Эни – 22,8 см.  
 Фото: Линден номидаги музей.

Inv. No. A 34590 L (ill. 17)  
**Diadem of tillya-kosh  
 (crown of the bride)**  
 Samarkand. Late 19<sup>th</sup> century.  
 Silver, gilding, filigree, engraving,  
 turquoise, glass with foil laying,  
 pearls, red and purple velvet.  
 Width – 22.8 cm.  
 Photo: Linden-Museum.

Инв. №. А 34590 Л (илл. 17)  
**Диадема тилля-кош (венец невесты)**  
 Самарқанд. Конец XIX в.  
 Серебро, позолота, филигрань,  
 гравировка, бирюза, стекло с  
 прокладкой из фольги, жемчуг, красный  
 и фиолетовый бархат.  
 Ширина – 22,8 см.  
 Фото: Музей имени Линдена.









**ХАЛҚЛАРНИ  
БИРЛАШТИРУВЧИ МЕРОС**

HERITAGE UNITING PEOPLES

НАСЛЕДИЕ, ОБЪЕДИНЯЮЩЕЕ НАРОДЫ



---

## ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ МЕРОС



«Германия Федератив Республикаси тўпламлари» китоб-альбоми «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» сериясининг иккинчи ўнталигини очиб беради ва шу билан бирга Ғарбий Европа мамлакатларидаги ўзбек музейлари ва шахсий коллекциялар ашёларига асосланган бизнинг биринчи нашримиздир. Китоб устида ишлаш жараёни биз учун жуда қизиқарли ва ҳаяжонли бўлди.

Ушбу нашрнинг ўзига хос фахрланарли томони шундан иборатки, унда давлатимиз раҳбари нашрга ўзининг шахсий баҳосини берди, унинг биринчи саҳифаларида ўқувчиларга мурожаат қилиб, Германия ва Ўзбекистон олимларининг улкан ишларини қайд этди. Шу муносабат билан «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Буларнинг барчаси 4 йил олдин Дрездендаги Рюсткамерни зиёрат қилиш баҳтига муяссар бўлган кунимиздан бошланди. Дўстларимиз Саксония федерал ери парламенти раиси Маттиас Рослер ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари доктор Томас Кунце билан Дрездендаги қурол-ярроғлар палатасига ташрифимиз жараёнида ўзбек қиррали қуролларининг ажойиб тўпламлари – қирғичлар ва нақшинкор пичоқларни кўриш имконига эга бўлдик.

Кейинчалик Лойиҳанинг ишчи гуруҳи Берлиндаги Ислон санъати музейида қадимий Самарқанднинг кулолчилик буюмлари тўплами билан танишди. Берлиндаги Миллий кутубхонага ташриф буюргандан сўнг, «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» туркумидаги алоҳида китобни немис музейлари ва Германия Миллий кутубхонаси хазиналарига бағишлаш тўғрисида келишиб олинди. Чунки у ерда нафақат ажойиб экспонатлар, балки халқимиз тарихи билан боғлиқ ноёб қўлёзмалар ҳам сақланади.





«Буюк ипак йўлининг мероси –  
Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги  
кўприк» мавзусидаги медиа тадбир.  
Берлин ш.

Media event "Heritage of the Great silk  
Road as a paths between Uzbekistan and  
Germany", Berlin.

Медиа ивент «Наследие Великого  
шелкового пути как мост между  
Узбекистаном и Германией», г. Берлин.

Германияда 10 га яқин аниқ мақсадли саёҳатларни амалга оширдик. Лойиҳамизни ҳаётга татбиқ этиш ғояларидан илҳомланиб, биз ушбу мамлакатдаги деярли барча музейларни зиёрат қилдик. Бу жуда узоқ ва машаққатли жараён эди, чунки Лойиҳани амалга ошириш учун музей раҳбарияти билан аниқ келишув ва, энг муҳими, уларнинг ишончи зарур эди.

Маълумки, немис халқи ҳар қандай ишни аниқ ва эҳтиёткорлик билан йиллар давомида режалаштиради. Шунинг учун, яширмайман, дастлаб режани амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар бўлди. Масалан, қисқа вақт ичида биз учун қизик бўлган объектларни музей омборидан «қўтариш», уларни таҳлил қилиш ва ўрганиш муаммосини ҳал қилиш керак эди. Чунки сақлаш бўлимларидаги кўплаб буюмлар шу пайтга қадар илмий тарафдан бирон марта ҳам ўрганилмаганлиги аниқ эди.

Бизни биринчи бўлиб қўллаб-қувватлаганлардан бири Берлиндаги Ислом санъати музейи директорининг ўринбосари доктор Уте Франке бўлди. У дастлаб бизнинг фикрларимизга эҳтиётлик билан қаради, кейинчалик эса у бизнинг самимий дўстимиз ва ҳамфикримизга айланди. 1925 йилда Ислом санъати музейи коллекцияси Россияга Самарқанд шаҳридан ташиб олиб кетилган сопол идишлар ва идишлар парчалари билан тўлдирилди. 1930-йилларнинг охирларида минглаб керамика парчалари бўлган яна бир нечта қутилар Берлин этнография музейидан келтирилган. Ушбу буюмларнинг аксарияти Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган қадимий Самарқанд – Афросиёбдан келтирилган. Тасаввур қилинг-а, ўрганилмаган қанчадан-қанча қимматбаҳо тарихий материаллар бор! Доктор Уте Франке биз билан учрашувда таъкидлаганидек: «Биз ўзимизда мавжуд ўзбек санъатига оид коллекциямиздан фахрланамиз. Бу жуда





*Ислом санъати  
Музейининг тиклаш  
устахонаси. Берлин ш.*

*Restoration Workshop of  
the Museum of Islamic Art,  
Berlin.*


*Реставрационная  
мастерская Музея  
исламского искусства,  
г. Берлин.*

кўп бўлмаса-да, у бебаҳо тарихий ва бадий аҳамиятга эга». Ўзаро музокараларимиздан сўнг доктор Уте Франке сопол идишларнинг асл кўринишини қайта тиклашга ҳамда тикланган объектларга алоҳида экспозицияни ажратишга қарор қилди ва уларнинг баъзилари режалаштирилган альбомлар китобига киритилди.

Энг қийин музокаралар узоқ вақт давомида биз учун ўз эшикларини очишни хоҳламаган Штутгартдаги Линден музейи билан бўлди. Менинг фикримча, бу ҳеч қандай фойда бермайдиган ҳаракатдир. Чунки ҳар қандай музей хазиналари ҳамма учун очик бўлиши керак. Маълумки, 1996 йилда Ўрта Осиё тўпламига бағишланган ушбу машҳур музей томонидан нашр этилган «Ипак йўлининг меросхўрлари» каталогида Ўзбекистонга тегишли кўплаб буюмлар намойиш этилган. Афсуски, бугунги кунда ушбу экспонатларнинг бир қисми музей экспозициясида Эрон ёки Афғонистон ҳудудидан келиб чиққан, дея тақдим этилган. Албатта, Лойиха билан ҳамкорлик қилиш ёдгорликларнинг пайдо бўлган жойини тарихий жihatдан аниқроқ кўрсатишга ёрдам беради. Қийинчиликларга қарамай, Линден музейи, ва ниҳоят улар айтганидек, «юраётган вагонга қўшилишди». Китоб-альбомни босмахонага етказиб беришдан олдин, улар кичик бир совға қилишди, бу музей коллекциясининг жуда қимматли қисми бўлиб, у охир-оқибат альбомнинг ҳақиқий беағи бўлибгина қолмай, балки Лойиханинг Германиядаги Ўрта Осиё санъатининг энг йирик сакловчиларидан бири билан бўлган ҳамкорлигининг дастлабки қадами эди. Бу шуни англатадики, немис олимлари ва тадқиқотчилари ўзбек миллати маданиятини янада чуқурроқ ўрганишдаги тарихий ҳақиқат масалаларига бефарқ эмаслар.

Умуман олганда, биргаликдаги фаол ишимиз натижасида биз Берлиндаги Ислом





*Лойиҳа аъзоларининг  
Линден номидаги музей  
вакиллари билан учрашуви.  
Штутгарт ш.*

*Project members at a meeting in  
Linden-Museum, Stuttgart.*

*Встреча членов Проекта с  
представителями Музея  
имени Линдена, г. Штутгарт.*

санъати музейи, Берлин этнологик музейи ва Давлат кутубхонаси, Гамбург шахрининг санъат ва хунармандчилик музейи, Дрездендаги давлат қурол-яроғ буюмлари коллекцияси сақланаётган палата, Любек этнологик музейи ва Саксония давлат этнографик тўпламларининг ўзбек коллекциялари объектларини, Штутгартдаги Линден музейи ва нихоят Манфред Бумиллернинг шахсий тўпламларини бир мажмуага тўплаб тақдим этишга муваффақ бўлдик.

Бизнинг вазифамиз нафақат немис коллекцияларидаги ўзбек санъатининг бойлигини намойиш этиш, балки бу ҳақида немис олимларига маълумот олиш учун имконият яратиш эди. Натижада китоб-альбом Ўзбекистон маданий меросининг ғояларини қўллаб-қувватлайдиганларнинг барчасини бир жойда бирлаштирди.

Маълумки, бизнинг Лойихамиз мультимедиали, шунинг учун ҳар бир китоб-альбомга илова сифатида альбомда тақдим этилган тўпламлар ҳақида видеофильм тасвирланган диск мавжуд. Таниқли телебошловчи, журналист ва санъатшунос Шахноза Ғаниева бошчилигидаги телевизион гуруҳ музей коллекцияларини суратга олиш учун

икки марта Германияга ташриф буюрди. Ислоҳ маданияти ва Ўрта Осиё тарихини ўрганувчи етакчи мутахассислар билан суҳбатлар ўтказилди. Натижада Германиядаги музейлар тўпламлари ҳақида, ўзбек заминининг маданий қадриятларини кенг намойиш этувчи иккита тўлиқ фильм яратилди.

Ва нихоят, ушбу серия Ўзбекистоннинг китоб босиб чиқариш тарихига замонавий мультимедиа технологияларидан фойдаланган ҳолда оммабоп илмий нашр сифатида кириб келди, уни нафақат ўқибгина қолмай, балки унинг смартфонлардаги алоҳида саҳифаларини, шу жумладан 3D-эффектли саҳифаларини ҳам кўришингиз мумкин.

Таъкидлаб айтаманки, «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» лойиҳаси ўзбек маданиятини нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам оммалаштиришдан иборат. Шундай қилиб, 2018 йил декабрь ойида ушбу китобнинг тақдими Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» лойиҳасининг Халқаро медиа форуми доирасида бўлиб ўтди. Аммо китобнинг асосий тақдими, шубҳасиз, унинг ичига киритилган музейлар жойлашган мамлакатда бўлиб ўтди.





*Дрезден этнология музейнинг қайта  
тиклаш устахонаси.*

*Restoration Workshop of the Dresden  
Museum of Ethnology.*

*Реставрационная мастерская  
Дрезденского музея этнологии.*

2019 йил 15 январь куни Ўзбекистон ва Германиянинг 250 дан ортиқ олим ва экспертлари Ўзбекистон Республикасининг Берлиндаги элчихонасида бўлиб ўтган «Буюк ипак йўлининг мероси – Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўприк» мавзусидаги медиа тадбирда иштирок этдилар. Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтакавий вакили, доктор Томас Кунценнинг сўзларига кўра: «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» китоб-альбомини тайёрлаш бўйича ишлар жуда қизиқарли ва муҳим бўлган. Конрад Аденауэр жамғармаси ҳар доим бундай маданий лойиҳалар ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблаган. Ўзбекистоннинг тарихий ва маданий мероси, Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби кўп асрлик бой маданий мероснинг ажралмас қисми экани барчага яхши маълум. Унинг сири бутун дунё бўйлаб доимий эътибор ва қизиқишларга сабаб бўлган, бу дунёнинг кўплаб мамлакатларида, хусусан, Россия ва Германияда музей амалиётида яққол тасдиқланган. Умид қиламизки, узоқ ўтмишдан бугунги кунгача сақланган маданий меросни ўзаро тарғиб қилиш ва алмашилиш бутун инсоният бир-бирларини яхшироқ англашларига ёрдам беради, натижада глобал муаммоларга қарши кучларни самарали бирлаштиради».

Форум доирасида «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» лойиҳаси китоб-альбоми кўргазмаси, шунингдек, «Ўзбекистон маданий мероси Германия тўпламларида» расмий китоб-альбомининг тақдими бўлиб ўтди.

Берлиндаги Этнологик музейнинг Шимолий Африка, Ғарбий ва Ўрта Осиё коллекциялари куратори Ингрид Шиндлбек таъкидлашича: «Буюк ипак йўлининг мероси – Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўприк» илмий форуми икки мамлакатнинг илмий ва маданий алоқалар учун жуда муҳимдир. Ўзбекистоннинг маданий меросни сақлаш масаласига муносабати ҳайратланарли ва фахрланса арзийди. Мамлакатда амалга оширилаётган ишлар ва Ўзбекистоннинг халқаро микёсда ўзини қандай тақдим этиши бошқа давлатлар учун тадқиқ қилиш ва ўрганишда ўрнатилган бўларлидир. Бу эса янги Ўзбекистоннинг дунёга юз очётганидан далолат беради».





Медиа тадбир иштирокчилари «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» сериясидаги китоб-альбомлар билан танишишмоқда.

*Participants of the media event get acquainted with the series of book albums "Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections".*

*Участники медиа ивента знакомятся с серией книг-альбомов «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира».*



Медиа форум доирасида «Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг юраги» деб номланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кеча иштирокчилари ва меҳмонлари, илмий ва сиёсий доира вакиллари, экспертлар, шунингдек, Германия оммавий ахборот воситалари вакилларига ўзбек миллий ансамблларининг байрамона маданий дастури ҳамда анъанавий ўзбек таоми – палов тортиқ қилинди. Ўзбекистонлик санъат усталари кечага ўзгача завқ бағишлади. Тадбирнинг 250 нафар қатнашчиларига «Ўзбекистон маданий мероси Германия тўпламларида» китоб-альбоми совға қилинди. Бундан ташқари кўп жилдли «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар», қадимий Катта Лангар Қуръонининг факсимили ва «Зафарнома»нинг ўрта асрга оид кўлёзма нусхаси Германия музейларига ҳадя қилинди, бугунги кунда улар шарқ коллекциялари фондини безаб турибди.

Саксония Ландтагининг президенти Маттиас Ресслер медиа тадбир давомида таъкидлаганидек: «Ўзбекистоннинг маданий мероси биз учун жуда жозибали. Германия музейларида қурол-яроғ ва қулолчилик буюмларидан тортиб, халқ амалий санъати асарларигача бўлган кўплаб хазиналар мавжуд. Юксак маданиятнинг сақланиб қолган намуналари,





*«Ўзбекистон – Буюк ипак йўлининг юраги» маданий оқшоми, Берлин ш.*

*Gala dinner "Uzbekistan – the heart of the Great Silk Roads", Berlin.*

*Гала ужин «Ўзбекистон – сердце Великого шелкового пути», г. Берлин.*




музейлар тўпламидаги кўплаб қўлёзмалар акс этган тасвирлар мукамал китобга бирлаштирилди. Ушбу форум нафақат янги алоқалар, балки ушбу ажойиб мамлакат ҳақида янги билимларни олиш учун ажойиб имкониятдир.

Бундай ҳамкорликлар янги қўшма ташаббусларни амалга ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг маданий мероси шубҳасиз жуда бой. Уни бутун дунё бўйлаб ва шунингдек, Германияда оммалаштириш учун кўприк – бу янги авлоддир, чунки улар бугунги кунда билим ва маданиятни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказа оладиган қатламдир».

Унинг фикрини Берлин Давлат музейининг Марказий Осиё бўлими илмий ходими Айсима Мирсултан қўллаб-қувватлади: «Ўзбекистон маданий мероси Германия тўпламларида» китоб-альбомининг ҳаммуаллифи бўлиш мен учун катта шарафдир. Бизнинг тўпلامимизда 190 жилдлик мумтоз ўзбек қўлёзмалари мавжуд. Буюк шоир Алишер Навоийга бағишланган махсус каталогимиз ҳам бор. Унда буюк шоирнинг





*Тадбир меҳмонлари ва иштирокчиларига ўзбек миллий таоми – ош тортилди.*

*Traditional Uzbek pilaf for the guests and participants of the gala evening.*

*Подача традиционного узбекского плова гостям и участникам торжественного вечера.*

риш мумкин, аммо Лойиханинг у ёки бу музей ва тўпламларидаги мух-ташам ашёлари ҳақида китобини қўлга олиб танишар экансан – бу янги сиёсатнинг яққол исботига гувоҳ бўласан».

Лойиханинг чет элдаги ўтказадиган фаолиятининг муҳим таркибий қисми – бу Лойиха ишчи гуруҳига кирувчи Ўзбекистонлик олимларни музейлар ва кутубхоналарга ташрифлар давомида Ўзбекистонга бағишланган коллекциялар билан таништиришдир. Берлин давлат кутубхонасига ташрифимиз чоғида Шарқий бўлим мудир доктор Кристоф Раух бизни кутубхонанинг шарқ бўлимида сақланаётган ўрта асрларга оид қўлёзмаларнинг ажойиб тўплами билан таништирди. Унинг таъкидлашича: «Ушбу йирик Лойиха Берлиндаги миллий кутубхона учун янги имкониятларни очиб беради, чунки бизнинг тўпламимизда кўп-

лаб исломий қўлёзмалар мавжуд. Китоб ўзбек маданиятини ўрганиш ва дунёга кенг тарқатишда ёрдам беради. Мен бундай кенг қўламли Лойихани амалга оширишни чин дилдан қўллаб-қувватлайман».

Яқин келажакда Берлин давлат кутубхонаси билан биргаликда буюк бобокалонимиз Алишер Навоий қўлёзмалари ва буюк олим Мирзо Улуғбекнинг XIX асрнинг бошидан бери кутубхонада сақланаётган «буюк астрономик жадваллар»ига алоҳида жилдларни бағишлай оламиз деб умид қиламиз. Берлин этнографик музей-ининг ажойиб коллекцияси Ўрта асрлардаги ислом маданиятининг дурдона асарлари, ўрта асрлар хонликлари даври, XX аср ўзбек усталарининг асарлари, хусусан – Бухоро амирлигининг энг бой коллекциясидаги экспонатлардан иборат. Гамбургдаги Санъат ва ҳунармандчилик музейида тадқиқотчи Нора фон Ахенбах бизга XIV асрда қурилган Баёнқулихон мақбараси экспонатларини намойиш этган ҳолда шундай деди: «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» лойихаси мен учун жаҳоншумул ва фахрлидир. Унда дунёнинг кўплаб олимлари билан билим ва маълумот алмашиш учун ноёб имконият яратадиган тадбирда қатнашиш ҳуқуқини бергаликлари учун миннатдорчилик билдираман. Лойиханинг иши, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг кўп

28 та қўлёзмаси тақдим этилган. Ўйлайманки, бутун дунёда ўз нуфузига эга бўлган музейимиз орқали мазкур китоб-альбомга олимлар ва кенг жамотчилик янада катта қизиқиш билан қарай бошлайди».

Медиа тадбир ҳақида, шунингдек, таниқли сиёсатчилар ва экспертлар доираси ҳам ўз фикрларини билдиришди.

Сиёсатшунос, Ўрта Осиё бўйича эксперт Аркадий Дубнов шундай таъкидлади: «Янги сиёсат, минтақавий ҳамкорлик ва шунга ўхшаш жараёнлар ҳақида кўп гапи-





*Media тадбир меҳмонлари ва ишти-  
рокчилари немис галереяси экспонатла-  
ри билан танишишмоқда, Бамберг ш.*

*Participants and guests of the media event  
get acquainted with an exposition of the  
German gallery, Bamberg.*

*Участники и гости медиа  
ивента знакомятся с экспозицией  
немецкой галереи, г. Бамберг.*

киррали санъатини янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради».

Берлин этнографик музейининг ажойиб коллекцияси билан бизни Лойиҳамиз-нинг ҳамкори, музейнинг Шарқ бўлими бошлиғи Ингрид Шиндлбек таништирди. Бу ердаги алоҳида экспозицияда ўрта асрлар мусулмон оламининг гўзал дурдона асарлари, ўрта асрларнинг сўнгги хонликлари даври, XX аср ўзбек усталарининг асарлари, хусусан, Бухоро амирлигининг энг бой коллекциясидан экспонатлар тўп-ланган.

Германияда сақланаётган ўзбек меросининг бебаҳо намуналарини санаб адоғи-га етиб бўлмайди. Германиядаги энг кўп томошабин ташриф буюрадиган Пергамон музейи, Штутгартдаги Линден номидаги музейда ҳали илм-фан томонидан кашф қилинмаган қанчадан-қанча сирлар сақланади!

Ушбу китоб-альбом Германия давлати олимлари ва маданий муассасаларининг «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси билан ҳамкорлиги-нинг дебочасидир, биз яна бир неча бор янгидан янги Лойиҳаларни муҳокама қила-миз деган умиддаман.

Бизнинг режаларимиз орасида буюк ўзбек мутафаккирларининг қўлёзмалар коллекциялари бўйича Берлин миллий кутубхонасида, Штутгартдаги Линден му-зейида сақланаётган амалий санъат асарларидан иборат нашрлар чоп этилиши кўзда тутилган, умид қиламанки, яқин келажакда ушбу китоб-альбом дунё юзини кўради.

Германиялик координатор, «Cultur – Cooperation Internationale.V.» жамғармаси ди-ректори Кетлин Гёбль хоним бизнинг улкан ҳамкорлигимиз туфайли Ўзбекистон ма-даний меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти



---

аъзолари ягона халқаро оилага айлангани билан қутлагани бизни мамнун қилди. «Ўйлайманки, – деди у, – бундай платформанинг яратилиши янги ўзгаришлар, хусусан, ўзбек маданияти тўғрисидаги маълумотларнинг оммалашиши сари қўйилган биринчи кадам, бу эса халқаро миқёсдаги олимлар, ишбилармон доиралар ва сайёҳларнинг эътиборини мамлакатингизга жалб қилади. Ўзбекистон – меҳмондўст халқи бўлган жуда барқарор давлат. Ўйлайманки, яқин келажакда биз сайёҳлик гуркираб ривожланишига гувоҳи бўламиз ва Ўзбекистон аҳолиси дунёнинг турли бурчакларидан меҳмонларни қабул қилиш учун барча зарур шароитларни яратади».

Сўзимнинг охирида мен ушбу медиа Лойиҳани молиявий ҳамда ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, «ERIELL» – халқаро нефт-газ хизмати компаниясига ва шахсан Бахтиёр Фазиловга ва Конрад Аденауэр фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили доктор Томас Кунце ва Саксония Федерал ери (Германия) парламенти спикери Маттиас Рёсслерга, Лойиҳа илмий раҳбари, академик Эдвард Васильевич Ртвеладзега ҳамда Ўзбекистоннинг маданий мероси мавзусини қадрлайдиганларга – ҳурматли олимларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

*«Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида» лойиҳаси муаллифи  
ва раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист  
Ф.Ф.Абдуҳолиқов*



---

## HERITAGE UNITING PEOPLES



The album-book "Collections of the Federal Republic of Germany" initiates the second series of ten books "Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections". At the same time it is our first edition entirely based on the material of museum and private collections of Uzbekistan in one of the Western European countries. Working on the book has become an interesting and exciting experience for us.

The particular pride of this publication is that it was the first one in which the head of our state gave his own assessment of the publication and directly addressed the readers from its first pages and noted the great work of scholars in Germany and Uzbekistan. In this regard, on behalf of the project "Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections", as well as the World Society for Study, Preservation and Promotion of the Cultural Legacy of Uzbekistan, I would like to express my greatest gratitude to the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev.

It all started four years ago, when we were visiting the Rustkamer

*«Буюк ипак йўлининг мероси – Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўприк» мавзусидаги медиа тадбир. Берлин ш.*

*Media event "Heritage of the Great silk Road as a paths between Uzbekistan and Germany", Berlin.*

*Медиа ивент «Наследие Великого шелкового пути как мост между Узбекистаном и Германией», г. Берлин.*



*Лойиҳанинг «Mueller&Schindler»  
нашриёт уйи (Австрия)даги  
ҳамкорлари «Ўзбекистоннинг  
100 нодир қўлёмаси» лойиҳаси асосида  
ишланган янги факсимиль нашрининг  
3D-эфектини намойиш қилмоқда.*

*Partners from the publishing house  
"Mueller & Schindler" (Austria)  
demonstrating 3D effects of the new  
facsimile edition of the project 100  
Outstanding Manuscripts of Uzbekistan.*

*Партнеры Проекта из издательского  
дома «Mueller&Schindler» (Австрия)  
демонстрируют 3D-эффекты нового  
факсимильного издания Проекта  
«100 великих рукописей Узбекистана».*



in Dresden. Accompanied by our friends, Dr. Mattias Röessler, Chairman of the Parliament of the Federal State of Saxony and Dr. Thomas Kunze, head of the Representative office of Konrad-Adenauer-Stiftung e.V. in Uzbekistan, we had the opportunity to see wonderful collections of the Uzbek cold steel such as sabers and beautiful knives in the Armoury of Dresden.

Afterwards, the project working group got acquainted with a collection of ceramics from ancient Samarkand in the Museum of Islamic Art in Berlin. After visiting the National Library in Berlin, decision was made to publish a separate book in the series "Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections" about treasuries kept in the German museums and the National Library of Germany. After all, museums keep not only wonderful artifacts, but also unique manuscripts related to the history of our people.

We made about ten target trips in Germany. Inspired by ideas of bringing our project to life, we visited almost all the museums in the country. It was a very long and laborious process, because a clear agreement with the administration of museums and, most importantly, their trust were required for the implementation of the Project.

It is common knowledge that the Germans are punctual and carefully plan any work for years to come. Therefore, honestly speaking, initially there were some concerns related to the implementation of the plan. For example, it was necessary to solve in a short time the problem to "lift" artifacts from the museum storerooms, to analyze and study them – after all, many stored artifacts had not even been introduced into the circle of scientific comprehension by that time.

Dr. Ute Franke, deputy director of the Museum of Islamic Art in Berlin was one of the first to support. Initially, being wary of our idea, subsequently she became our





*Конрад Аденаур фонднинг Марказий Осиёдаги минтақавий раҳбари Томас Кунце ва Саксония федерал ери Ландтаги Президенти доктор Маттиас Рёсслер «Германия Федератив Республикаси тўплами» китоб-альбомини кўздан кечирмокда.*

*Regional Representative of the Konrad Adenauer Foundation in Central Asia Dr. Thomas Kunze and President of the Landtag of Saxony Dr. Matthias Röessler getting acquainted with the book-album dedicated to the Uzbek legacy in the collections of the Federal Republic of Germany.*

*Региональный представитель Фонда имени Конрада Аденауэра по Центральной Азии Томас Кунце и Президент Ландтага земли Саксония Маттиас Рёсслер знакомятся с книгой-альбомом «Собрания Федеративной Республики Германия».*

